Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

13

1992 йил 30 март (52)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ КЕЗМОҚДА



НАВРЎЗ байрами арафасида Гулистон автобус — таксомотор саройи асосида иккита мустақил корхона ташкил этилган эди. Лекин автобус ва такси ҳайдовчилари эски удум бўйича Наврўз байрамини бир дастурхон атрофида кутиб олишга қарор қилдилар. Дошқозонларда сумалак тайёрланди, ош дамланди. Пиширилар, кўк сомсалар, баҳор неъматларидан тўкин дастурхон тузалди. Ўзбек, рус, татар, корейс ва бошқа миллат вакиллари бир оила фарзандларидек байрам дастурхони атрофига жамул-жам бўлишиб баҳор айёмини зўр шодиёна билан кутиб олдилар...

Мустақил республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз танталарининг гувоҳи бўлдик. Байрамни ташкил этишда ва ўтказишда касаба уюшмалари қўмиталари бош-қош бўлдилар. Шу қутлуғ кунда камдаромадли, муҳтож оилаларга совға-саломлар топширилди, етим-есирларнинг кўнгли кўтарилди, беморлар йўқланди.

Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, талабалар эҳтиёжи учун бир миллион сўм ажратди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси байрам куни Тельман номли маданият ва истироҳат боғи харажатларини ўз зиммасига олди. «Бухарабанк» кооператив банки 86 етим бола ҳисобига минг сўмдан пул ўтказди. Нукус, Андижон, Фарғона ва бошқа шаҳарларда ҳам Наврўз байрами билан боғлиқ кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилди.

Наврўз байрами ўлкамиз бўйлаб давом этмоқда. Диёримизда янги кун, янги йил бошланди. Юртдошларимиз мустақил Ўзбекистонни яшнатиш, уни жаннатмакон масканга айлантириш ниятида мевали кўчатлар ўтказмоқдалар, кенг адирларда янги боғ-роғлар яратмоқдалар. Улар келажак авлод учун мустақил республиканинг биринчи Наврўзидан ёдгорлик бўлиб қолади.

Бу йилги байрам чарақлаган кунларда нишонланаяпти. Сахий қуёш нуридан дилимиз равшан, кўнглимиз тоғдек баланд. Бу яхшилик нишонасидир. Тақчиллик ва уқубатларимиз яқин вақтлар ичида унут бўлса, ажаб эмас.

Суратларда: Наврўз байрами шодиёналаридан лавҳалар.

ХАБАРЛАР МАҒЗИ

● КИЕВда бўлиб ўтган Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларининг Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раислик қилди. Навбатдаги учрашув апрель ойида Тошкентда ўтадиган бўлди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ўзбекистон ҳудудида жойлашган чегара қўшинларининг бўлинмалари тўғрисида Фармон берди.

● ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси Б. А. Алламуродов бошқарди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси билан Сурия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқа миллий уюшмасини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

● НАМАНГАНДА «Шарқ» ўзбек-турк савдо уйи очилди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди.

● ҚОЗОҒИСТОН Президенти Нурсултон Назарбоев чиқарган фармойишга биноан Қозоғистон Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барча амалдор шахслари ўз даромадлари тўғрисида декларация тақдим қилишлари зарур. Бу шахсларга корхоналардан ҳар қандай совғаларни олиш таъқиқланади.

● ҚИРҒИЗИСТОНда медицина хизматидаги ҳушёрхоналарнинг ёпилиши эълон қилинди. Хушёрхоналарнинг ҳар бири ҳаражат учун хазинадан ўрта ҳисобда миллион сўмга яқин пул олар эди. Республика бюджети бундай ҳаражатга бардош беролмайдиган бўлиб қолди.

● Москва ҳокими Россия Олий Кенгаши депутатларига мурожаат қилиб «хусусий мулк ҳуқуқига қарши жиноятлар учун жазони кескинлаштириш ҳақида дарҳол қонун қабул қилишни» таклиф этди.

У, хусусан, автомобилни олиб қочганлик учун 10 йил озодликдан маҳрум қилиш, ўзгаларнинг машинасига қўлини теккизганлик учун эса 3 йил қамоқ жазоси беришни таклиф қилмоқда.

● ЛИТВАДА ойига тирикчилик учун ҳаражатнинг энг кам миқдори 870 сўм бўлади деб тайинланди. Белорусда 1 апрелдан бошлаб энг кам ойлик маош 550 сўм, Россияда эса шу кундан бошлаб боскичма-боскич ва минтақалар бўйича камида 750 сўм маош белгилаш таклиф этилмоқда.

● ЭРОН харбий денгиз кучлари Россиядан келтирилган 3 та сув ости кемаси ҳисобига тўлдирилди, деб хабар беради РИА мухбири Фаластин манбаларига таянib.

Касаба уюшмаси ҳаёти

МЕҲР-МУРУВВАТ ҚУРШОВИДАМИЗ

Бозор иқтисодиёти муносабати билан рўй берган бугунги иқтисодий танглик талабаларни ҳам анча қийин аҳволга солиб қўйди. Дорилфунунимизнинг кундузги бўлимида таълим олаётган 4686 талабанинг яшаш тарзи аъло даражада эмас. Умумий тақчиллик ҳаммадан кўра талабаларни кўпроқ қийнаяпти. Дорилфунунда ўқиётганларнинг 90 фоизи қишлоқлик йигит-қизлардир. Уларнинг ўз оилаларидан олисда мустақил кун кечиришга мослашишлари анча мушкул кечсада, сабр-қаноат билан қийин шароитга кўникишаяпти. Уйларидан келадиган моддий кўмакка кўз тиқиш бефойда, чунки қишлоқ аҳолисининг ярмига яқини қашшоқликда яшаяпти. Шунинг учун талабалар бўш вақтларида «кучларини сотиш» учун мардикор бозорига боришга мажбур бўладилар. Бу ҳол ўқиб ўрганишга, чуқур билим олишга маълум даражада халал етказиши турган гап. Мана шуни ҳисобга олган Тошкент Давлат аграр дорилфунунининг ректорати, талабалар касаба уюшмаси қўмитаси, ёшлар Иттифоқи олий билимгоҳ ташкилоти талабаларни иқтисодий-ижтимоий, маданий жиҳатдан ҳимоя қилишни ўзларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаб, барча имкониятларни худди шу долзарб муаммони ҳал этишга қаратяптилар.

Биринчи галда талабаларга қўшимча моддий ёрдам кўрсатишга киришилди. Касаба уюшмамиз ҳисобидан ҳар ойда уч-уч ярим минг сўм, билимгоҳ ёшлар иттифоқи ташкилоти ҳар ойига 1800 сўм миқдорида ёрдам пули беришни белгилади. Моддий ёрдам энг аввало оилавий аҳволи оғир, ота-онасиз талабаларга бериляпти. Бу талабаларга ўқишига қараб 350 сўмдан 462 сўмгача стипендия тўланяпти.

Бундан ташқари Ўзбекистон деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳам талабаларимизга ёрдам қўлини чўзяпти. Бу ташкилот ўтган йили уюшмамиз ҳисобига 30 минг сўм пул ўтказган эди. Яшаш шароити оғир бўлган бир қатор талабаларни ўз қарамоғидан таъминлашга қарор қилди. Арғамчига қил қувват деганларидек бу мурувватдан дорилфунунимиз жамоаси беҳад мамнун бўлди.

Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитасининг моддий мадади ҳам алоҳида таҳсинга лойиқдир. Бу ташкилот ходимлари дорилфунунда бўлишиб, талабаларнинг яшаш шароити, оилавий аҳволи билан танишдилар. Уларга тегишли амалий ёрдам бериш тадбирларини белгиладилар. Қўмита раёсати қарорига биноан дорилфунундаги ота-онасиз талабаларга 250 сўмдан, оилавий аҳволи оғир бўлган талабаларимиздан 50 нафарига 200 сўмдан пул, соғлиғи туфайли парҳез таомларга муҳтож бўлган 200 кишига бепул йўлланма, аъло ўқиш билан бир қаторда касаба уюшмаси ишида фаол иштирок этаётган талабаларни рағбатлантириш учун ҳар бири 462 сўмлик 3 та вилоят стипендияси, 3 минг сўмлик бадиий китоблар ажратилди. Шунингдек, талабаларнинг санаторий-профилакторийсини таъмирлаш учун 40 минг сўм, талабалар ётоқхоналари учун 6 та телевизор олиб бериш кўзда тутилмоқда.

Дорилфунун талабалари ётоқхоналар билан юз фоиз таъминланган. Ҳатто оилалилар учун ҳам ётоқхона мавжуд. Талабаларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўз поликлиникамиз, тиббий тез ёрдам марказимиз, 100 ўринли санаторий-профилакторийимиз бор. Дорилфунун ректори, академик Э. Т. Шайхов ташаббуси билан очилган «Талаба» номли савдо маркази 1991 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бу марказга 1060 ўринли 3 та ошхона, 150 ўринли чойхона, 480 ўринли 13 та буфет қарайди. Уларнинг хизматидан талабалар беҳад мамнундирлар. Талабалар учун хизмат қилаётган озиқ-овқат, саноат моллари магазинидан моллар узилмайди. Шахсан ректорнинг ўзи ҳар ҳафтада дорилфунун талабалари билан учрашиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари билан қизиқаяпти. Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ечишда кўмаклашаяпти. Талабаларимизга ҳар томонлама меҳр-мурувват кўрсатилаяпти.

Энди икки оғиз сўз «Ишонч» газетаси ҳақида. Бу газета талабаларимиз учун қадрдон бўлиб қолди. Ҳозирги иқтисодий танглик, қоғоз тақчиллиги пайтида биз газетани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қарор қилдик. Шу мақсадда унинг ҳисоб варақасига 500 сўм ўтказдик. Бу газетанинг мунтазам чиқиб туришига оз бўлса-да ёрдамимиздир.

Ҳусниддин АБДУЛАҲАДОВ,
Тошкент Давлат аграр дорилфунуни талабалари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси талабаларнинг имтиёзли овқатланишини ташкил қилиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилмаганида ҳозирда уларнинг қандай аҳволда қолишларини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳининг раҳбарлари шу тадбирлар асосида талабаларни иссиқ овқат билан таъминлаш масаласига ҳамиша эътибор бериб келмоқдалар.

Нарх-навонинг оширилиши талабаларга берилаётган таомлар тури ва сифатига таъсир қилмади. Бу ерда ўқитувчилар ва талабалардан иборат махсус комиссия тузилган. У ошхоналар, тамаддихоналар фаолиятини, таомлар тайёрлаш сифатини, овқат пишириш, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш санитария нормалари ва технологияларига қандай амал қилинаётганлигини назорат қилаяпти.

БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФА

Ўқув бинолари ва ётоқхоналарда 10 та тамаддихона, 9 та ошхона ишлаб турибди. Уларда ҳаммаси бўлиб 1040 киши бир йўла овқатланиши мумкин. Ётоқхоналардаги уч ошхона эса талабаларнинг кунига уч маҳал овқатланишини таъминлаяпти.

Бундан ташқари, илмгоҳда қандолатпазлик цехи ва новвойхона ҳам ишлаб турибди.

Ректорат ва касаба уюшмаси қўмитаси фақат талабаларнинг овқатланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш билан чекланмаяпти. Бу ерда талабаларга тиббий хизмат кўрсатадиган поликлиника ҳам ишлаб турибди. У кунига 250 кишини қабул қилиши мумкин. Кундузги стационар, тиббий пункт ҳам ишлаяпти.

100 ўринли санаторий-профилакторий очилган, уни ўқув юрти маъмурияти ва деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг шаҳар қўмитаси пул билан таъминлаяпти.

11 та ётоқхонада ҳаммаси бўлиб талабаларнинг қарийб 70 фоизи ҳамда лицей-мактаб ўқувчилари яшаяпти. Ётоқхоналарда ижара пункти, кийимкечак ва пойабзалларни тузатиш устахоналари, сартарошхона ишлаяпти.

950 ўринли маданият саройи ҳам бор. Бу ерда маданий-оммавий тадбирлар, концертлар, спектакллар қўйилаяпти. Кинофильмлар намойиш этиляпти.

Спорт комплексимизда зарур анжомлар ва ускуналар билан жиҳозланган иккита спорт зали, 25 метрли сузиш ҳавзаси, сауна мавжуд. Ётоқхоналарнинг ёнгинасида ёзги спорт майдончалари барпо этилган.

Талабалар ва ходимлар ёзда ҳордиқ чиқаришлари учун Тошкент денгизи ва Чорвоқ сув омбори қирғоқларида дам олиш зоналари қурилган.

Куйбишев район озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси идорасига қарашли икки дўкон талабаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаяпти. Талабалар касаба уюшма қўмитаси бу дўконлар ишини назорат қилиб турибди. Эндиликда талабаларни озиқ-овқат ва саноат моллари билан узлуксиз таъминлаб туриш учун илмгоҳда хўжалик ҳисобидаги бўлим очиш режалаштириляпти.

Талабаларнинг маданий ва маиший турмушини яхшилашда самаралироқ ёрдам бериш, уларга социал ва моддий жиҳатдан кўмаклашиш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни рағбатлантириш, уларнинг айниқса қишлоқ жойлардан келиб таълим олаётган йигит-қизларнинг маънавий ҳамда маданий савияларини ҳар томонлама ошириш мақсадида билимгоҳда «Ғамхўрлик» ҳайрия жамғармаси ташкил этилган. Жамғармага ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси 30 минг сўм, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари шаҳар қўмитаси—10 минг сўм, билимгоҳимизнинг ўзи 700 минг сўм ўтказди.

Биз Ўзбекистон Республикаси ва қардош Қорақалпоғистон Республикасининг касаба уюшма ташкилотлари ҳам билимгоҳимиз ташкил этган ва ёшларимизни социал ҳимоялашга йўналтирилган. «Ғамхўрлик» жамғармасини мустаҳкамлашда иштирок этадилар, деб умид қиламиз.

Хайрия жамғармасининг ҳисоби 061120443, Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат банки оператив бошқармаси, МФО 172682403.

Рустам ҚЎЧҚОРОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий билимгоҳи талабалари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

МИНГБУЛОҚНИНГ ҚОРА БУЛОҒИ

ЎЗ МУХБИРИМИЗ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДАН ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

БАЛИҚЧИ районы марказидан Мингбулоққа — ер қаъридан нефть отилиб чиқаётган жойга тинмай машиналар қатнаб турибди. Давлат автомобиль инспекцияси ходими шитоб билан келаётган «Краз»ни тўхтатди. Ҳайдовчиси қирғиз йигит экан. Унинг юзларида чарчоқ, уст-бошларида нефтнинг қотиб қолган томчилари ялтирайди. «Ҳорма — бор бўл»дан кейин йигитнинг ўзи гап бошлади:

— Мен Қирғизистоннинг Шамолдисой посёлкасидан келяпман, хабарингиз бўлса керак, у ерда Норин дарёси устида сув электростанцияси қурилмоқда. Қишдан жуда катта қийинчиликлар билан чиқяпмиз, қозонхоналаримизга ёнилғи етишмайди. Тоғни ҳавосини ўзингиз яхши биласиз. Қиши совуқ бўлади. Янги коннинг очилгани яхши бўлди, худо берган текин ёнилғидан ёқяпмиз. Ўзбекистонда чиққан нефть қирғизларнинг ҳам уйларини иситмоқда. Шунинг учун сменадошим билан тиним билмай ишлаяпмиз.

Йўлда нефть ортиб кетаётган турли-туман машиналар учрайди. Улар водийнинг олис бурчакларидан, Тожикистондан, Қирғизистондан. «Краз»дан тушиб, олисдан нефть фаввора бўлиб отилаётган, ундан чиққан буғ бутун атрофга тарқалаётган манзарани тамоша қила бошладим. Шу пайт «УАЗ» машинасида махсус кийим-бош кийган Андижон чуқур бурғилаш бошқармасининг бошлиғи Дадабой Қўчқоров келиб қолди.

— Мана шу, фаввора билан олишиб ётибмиз,— дейди у.— Ростини айтганда, дастлабки кунларда у бизлардан кўра зўррокка ўхшарди, аста-секин ўз измимизга соляпмиз. Шу кунларда биз билан Москвадан, Грознийдан келган етакчи мутахассислар ишлашмоқда. Республикамиз ҳукумати бизларга катта эътибор бермоқда ва ғамхўрлик қилмоқда. Президентимиз И. А. Каримов барча вазирлар билан келиб, қилаётган ишларимиз билан танишиб, зарур ёрдамларини кўрсатиб кетдилар. Махсус штаб тузилган. Қолган гапларни шу ердан билиб оласиз.

— Нефть 5237 метр чуқурликдан, неоген қатламидан чиқяпти,— деди «Ўзбекнефть» бош геологи Абдушукур Рашидов.— Қидирув ишлари ҳали тугалланмаган эди, шунинг учун олдинига анча қийин бўлди. Суткасига 10—12 минг кубометр нефть чиқиб турибди. Бу коннинг заҳираси жуда катта эканлигидан далолат беради. Нефть ташувчи тўрт юздан ортиқ машиналар кечаю-кундуз Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводига, Андижонга «қора олтин»ни етказиб бермоқдалар. Уларга нефтни йигирмадан ортиқ ўзиюрар насос агрегатлари қуйиб бермоқда.

Аммо бу билан кунига чиқаётган нефтнинг фақатгина 3,5 минг тоннага яқини ташиб кетилмоқда. Бу миқдорни 6,5 минг тоннага етказиш чоралари кўрилмоқда. Водий вилоятларидан, Тожикистон ва Қирғизистондан келаётган машиналар сони анча кўпайиб қолди. Қудуқ яқинидаги далаларда каттакатта ҳовузлар қазилди ва уларга ҳам нефть йиғилаяпти. Фойдаланилмай ётган бетонли канал ўзани ҳам анчагина нефтни сиғдирар экан. Унгача бўлган тўрт километр масофага қувур тортиш якунланди. Шу тариқа ердаги ҳовузларнинг ўзида ярим миллион кубометр нефтни сақлаш имконияти яратиляпти.

Мингбулоқ ҳамманинг диққат-марказида турибди. Раҳбарият нефтчилар учун зарур бўлган барча ёрдамларни дарҳол кўрсатмоқда. Атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бир ярим мингга яқин киши ишлаётган фаввора яқинида дам олиш, овқатланиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Ҳар бир кишига кунига овқат учун қирқ сўмдан сарфланмоқда. Президентнинг ғамхўрлиги билан барча ишлаётганлар учун овқат бепул бериладиган бўлди.

— Бизнинг қидирувчиларимиз бундан йигирма йиллар олдин Мингбулоқда нефть бўлиши мумкин, деган хулосага келган эдилар,— дейди Фарғона геофизика экспедицияси-нинг бошлиғи Сойибжон Алиев.— Биз бу ерда бешта қудуқ қавлашни тавсия этганмиз. Биринчи ва иккинчи қудуқлардан озроқ, учинчисидан тузуккина нефть чиққан эди. Бу — бешинчиси, ҳали тўртинчи қудуқ қавлангани йўқ. Бугунги ажойиб кунларда нефтчилар билан биз ҳам ниҳоятда шодмиз. Чунки бу ғалабага жамоамиз ҳам оз бўлса-да ўз ҳиссасини қўшди. Мана энди водийда яна нефть саноати ривожланиб кетади.

Конда ташкил этилган матбуот марказининг раҳбари Абдумажид Азимов қуйидагиларни қўшимча қилди:

— Шу кунда ўн беш километрли «Мингбулоқ-Октош» қувури шошилинч лойиҳаланмоқда, уни жуда қисқа муддатларда қуриб ишга тушириш режалари тузилди. Фаввора отилиб чиқаётган йўлни бетонлаштириш ва уни жиловлашга киришиш учун тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Кўчма ҳаммомлар, душлар олиб келинди, ошхоналар ва озиқ-овқат дўконлари сони кўпайтирилмоқда, уларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Барча диққат-эътибор тез орада фаввора-ни бўйсиндириб, қудуқни халқ хўжалигига хизмат қилдиришга қаратилмоқда.

Ер остида сабр-тоқат билан ётган нефть республика мустақилликка эришган кунларда ўзини намоён этганини қаранг. Бу ҳам бўлса бизнинг бахтимиз, табиатнинг инъоми. Бахт ва иқболимиз ҳамиша баланд бўлсин, деб қўйдим беихтиёр.

Наманган вилояти, Мингбулоқ қишлоғи.

Ҳамкорлик

ЎН БЕШ ФОИЗ ҚЎШИБ ҚАЙТАРИЛАДИ

«Астроваз» суғурта акционерлик жамияти бажараётган хайрли ишлар ҳақида қанча ёзсанг шунча оз. Жамият ҳозирги қийин шароитда меҳнаткашларни социал ҳимоялаш йўлида кўп ишларни қилаяпти. Бу Наврўз байрами кунлари яна бир бор сезилди.

— 21—22 март кунлари Тошкентдаги Максим Горький номли болалар маданият ва истироҳат боғини тўла ўз измимизга олдик,— дейди жамиятнинг суғурта бўйича директори Зафар Турсунов.— Икки жойга дошқозонлар осилиб сумалак пиширилди. 12 та бадиий жамоа баҳор, севги ва вафони мадҳ қилувчи концерт дастурини намойиш этди. Аттракционлар тўлалигича болалар ихтиёрига бериб қўйилди. Ҳаражатларнинг ҳаммасини жамиятимиз тўлади. Жуда кўп ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар хизматимиздан баҳраманд бўлишди.

Бундай ҳайрияларни тез-тез қилиб турамиз. Агар ёдингизда бўлса янги йил арафасида Тошкент метросининг бир кунлик ҳаражатларини ўз зиммамизга олган эдик. Биринчи бўлиб Ўзбекистон Президентини суғурта қилдик. Энди ёз мавсумида республикамизда иш олиб борадиган талабалар қурилиш отрядларига хомийлик қилмоқчимиз. Бундай отрядларнинг бири Мўйноқ районининг экологик ҳолатини яхшилашда иштирок этса, иккинчиси Афросиоб қазилмаларида, учинчиси Бухоро обидаларини таъмирлашда иштирок этади. Талабаларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз зиммамизга олдик. Шундай ёрдамни «Автомобилчи» командасига ҳам кўрсатмоқчимиз.

— Биз мавзудан бироз четга чиқиб кетдик чамаси. Жамиятнинг бош вазифаси суғуртани ташкил этиш-ку ахир. Ҳозирги кунда суғуртанинг неча хили мавжуд?

— 20 хили мавжуд. Яқиндан бошлаб биржаларда тузиладиган олдисотти битимларини ҳам суғурта қила бошладик. Суғурта бўйича битимда келишилган сумманинг 5 фоиздан 20 фоизгача бўлган қисми бизнинг ҳисобга ўтказилади. Агар кейинчалик битим шартлари бузилиб бир томон зиён кўрса, шу зиённи суғурта бўйича биз тўлаймиз.

Суғуртанинг яна бир тури шаҳар корхоналари билан тузилмоқда. Тошкент трактор, кабель, 3-ун заводлари, бинокорлик материаллари комбинати каби йирик корхоналар ўз ишчиларини 500 сўмдан минг сўмгача суғурта қилаяпти. 500 га яқин агентларимизнинг бир қисми ҳозир шу иш билан банд. Бундан корхона ҳеч қандай зарар кўрмайди. Суғурта учун сарфланган маблағ маҳсулот таннархига қўшилади.

Корхоналар қилаётган суғурталар ишчилар, инженер-техник ходимларга катта мадад бўлаяпти. Йил давомида улар мабодо касал бўлиб қолсалар бизнинг йўлланма билан Тошкентдаги замонавий шифохоналарда даволанишлари мумкин. Зарур дори-дармонларни топиб беришни ҳам биз ўз зиммамизга оламиз. Агар ишчи йил давомида касал бўлмаса суғурта қилинган суммани накд ўзи олади. Ҳозир суғурта қилинган ишчилар имкони борича профилактика ишларига амал қилиб саломатликларини сақлашга, соғлом ҳаёт кечиришга интилмоқдалар.

Биз СПИД бўйича ҳам одамларни суғурта қилишга тайёр эканлигимизни маълум қилганмиз. Лекин ҳозирча бирорта ҳам киши бу масалади ўзини суғурта қилмади. Демак шаҳримизда СПИД хавфи йўқ, дейиш мумкин. Доимо шундай бўлсин, деб ният қиламиз.

Бизнинг жамият давлат суғурта идоралари ва «Ризико» суғурта жамиятига муқобил тарзда иш олиб бораяпти. Фуқароларни суғурта қилишда иш услубларимиз маълум даражада бир-биридан фарқ қилади. Биз суғурта суммасини эгаларига йил тугаши билан 15 фоиз устамаси билан бирга қайтарамиз ёки навбатдаги йил учун яна шартнома тузамиз. «Ризико» жамиятининг иш услуби эса бироз бошқачароқ. У уч йилга шартнома тузиб муддат тугагач суғурта қилинган суммани 12 фоиз устамаси билан бирга эгасига қайтаради. Лекин бизда мавжуд бўлган медицина, машина суғурталари ларда йўқ.

— Жамиятингиз яна қай жиҳатдан бошқа суғурта ташкилотларидан устунлик қилади?

— Ўтган йилдан бошлаб биз даллоллик ишларига ҳам аралашаяпмиз. Москва, Свердловск, Хабаровск каби йирик шаҳарларда 10 та брокерлик идораси очдик. Кейинги пайтларда Тольятти шаҳри билан алоқаларни яхшиладик. У ердан енгил машиналар олиб келиб сотиш ниятимиз бор. Умуман даллоллик қилишдан мақсад турли хил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини Ўзбекистонга кўпроқ ташиб келтиришдан иборатдир. Кейинги пайтларда кўплаб телефон аппаратлари ва алоқа системаси ташиб келтирилди. Янги тузилган «Инброксервис» тижорат фирмаси суғурта пулларини брокерлар орқали оборотга киритиб катта даромад келтирмоқда. Юқорида тилга олинган 15 фоиз устама шундай даромадлар ҳисобидан берилади.

Биз илгари даромаднинг каттагина қисмини биржа тузилмасига сарфлаган бўлсак, эндиликда кичик корхоналар тармоғини кенгайтиришга сарфламоқдамиз. Яқин келгусида Гулистон шаҳрида пардозлаш плиталари ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилади. Тошкент вилоятида дори-дармонлар заводи қуришга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бундан ташқари олимлар билан ҳамкорликда кўмир чиқиндиларини қайта ишлаш йўлларини ҳам излаяпмиз. Ангрен кўмир конларида йиғилиб қолган чиқиндилар биз учун хом-ашё ролини ўтайди.

Ўзбекистон мустақил Республика деб эълон қилингандан сўнг бизнинг жамият ҳам Москва измидан чиқди. Ҳозир ўзимиз мустақил ҳаракат қилмоқдамиз. Тушган маблағ тўлалигича ўзимизда қолаяпти. Шу боисдан одамлар қўрқмай ўз маблағларини бизнинг ҳисобга ўтказишлари ва бунинг эвазига бир йилдан сўнг 15 фоиз устамаси билан яна қайтариб олишлари мумкин. Бундан ташқари молмулкни ҳам, одамларнинг ўзларини ҳам суғурта қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Яқинда бир йигит суғурта қилинган «Жигули»сини авария қилган экан, дарров ҳаражатларини тўладик. Бундай воқеалар кўп бўлиб туради. Қўнгилсиз воқеалар сизни эзиб қўймаслиги учун ўзингизни ҳам, мол-мулкингизни ҳам суғурта қилишни унутманг. «Астроваз» суғурта акционерлик жамияти агентлари хизматингизга ҳамиша тайёр.

Суҳбатдош: Жасур НОСИРОВ.

ЙЎҚНИ ЙЎНДИРАДИ

САДРИДДИН ҳақида ҳар ким ҳар хил ўйлайди. Кимдир «Жони темир бу йигитнинг. Қачон қараманг мол ахтариб Россияма-Россия юрган бўлади. Ўзбек дегани борига қаноат қилади-да ахир» деса, кимдир «юз хил режа ўйлаб ҳам қозонмоқчи» дейди. Аслида униси ҳам, буниси ҳам эмас.

Садриддин бироз ишбилармонроқ, яхшироқ яшашга орзумандроқ, қишлоғининг, қишлоқдошларининг ҳаёти фаровонроқ бўлишини хавас қилади. Бўй-бўй қизларнинг, гулдек келинчакларнинг ўттизида ўтин бўлишига чидамайди холос. Уларнинг ҳам газли, сувли уйларда яшашларини, бирор тикувчиликми, қандолатчиликми цехларида покиза кийиниб ишлашларини орзулайди. Йигитлар ҳам бундоқ эркинроқ, камлик-қарамликдан холироқ гердайиб юрса деб ўйлайди. Шу орзу-ҳаваслар рўёби учун елиб югуради. Йўл азоблариии ўша орзулар рўёби кесади чамамда.

Олтинкўл район деҳқончилик саноати идораси шахсий ёрдамчи хўжаликлари уюшмаси ўзининг дастлабки кичик корхонасини Садриддин Йўлдошев бошқараётган омборни колхоз тасарруфидан чиқариб ташкил этди.

Эски йилнинг кейинги икки ойида 90 вагон ёғоч келиб тушди, бу кичик корхонага. Ҳар бири ҳозирги нархда 30—40 минг сўм турадиган бешта дастгоҳ келди. Булар тахта тилади, шаклга солади, турфа яшиклар учун ўлчамли ёғоч чиқаради. Энди бемалол уйнинг пол тахтаси, тўсини, эшик-деразасини ҳам аҳоли шу ердан тайёр ҳолда олаверади. Муҳими, дастгоҳлар жуда замонавий, тугмачани боссанг бас, бир минутда беш метр ёғоч тайёр ҳолатга келади. Ахир бир дастгоҳнинг ўзида бир эмас саккиз йўналишли арраси бор... Бир иш кунида 50 куб метр хажмдаги ёғоч тайёр маҳсулотга айланади.

— Бу тинчимаган бола ҳозир нечта янгиликни ўйлаб юрибди, айтайми, — дейди кичик корхона ҳисобчиси Абдувахоб ака Хотамов.—Дастлаб ҳув чекка айвонга қирқта қўй олиб келдик. Боқяпмиз. Энди эса, яшик ўлчамлари тайёр чиқиб тургандан кейин яшик қоқишни йўлга қўйдик. Лекин Садриддин ҳар бир яшик учун юзтадан мих қоқиб шунақа пишиқ қилиб тайёрлаяптики, ҳар куни харидор келади бу яшикларга. Сотмаяпти. Ёзда аҳолининг томорқасидан чиққан сабзавот-мевани қабул қиламиз дейди. Биласизми уни нима қиларкан? Бартер учун фойдаланаркан, ахир ёғочни Россияда ўта қиммат қилиб юборишди. Садриддин Андижон ёғоч заводи билан шартнома тузди. Уларга совун учун яшиклар тайёрлаб берамиз, улар бизга пахта ёғи ва кунжара беради. Биз кунжара билан ўнта соғин сигир боқамиз. Ёмон эмас-а. Сал нарида 5000 та жўжа учун жой ҳозирлаяпмиз. Тухум ўзимиздан чиқа бошласа,демак қандолат ва ярим фабрикатлар цехини очамиз. Бу қишлоғимиз қизларига ҳам иш жойи, ҳам ҳунар деган сўз.

— Қойил. Садриддин қайда ҳозир? — сўрайман.

Суратда: (чапдан) Абдувахоб Хотамов, Одил Расулов, Садриддин Йўлдошев.

Суратқаш Бегижон СОДИҚОВ.

— Уч кун аввал Краснодардан келувди. Кеча кечқурун Тюменга кетди. Қандолатчилик дастгоҳлари гапрашган экан, шуни олиб келади. Яна бир зўр янгилигимиз бор.

— Айтинг, сир бўлмаса.

— Шу келишда яна битта дастгоҳ олиб келади. Аррада чиққан қипиқ билан цементни аралаштириб ғишт чиқарадиган дастгоҳ. Шу дастгоҳни деб кўп югурди у. Ниҳоят қўлга киритди чоғи. Энди бизнинг қишлоқ одамлари гувалакдан эмас, оддий ғиштдан эмас, ўта енгил, лекин ўта пишиқ Оразий ғиштдан уй қуришади, худо хоҳласа. Кичик корхонамиз номи Оразийда.

Абдувахоб ака билан бўлган суҳбатда унинг Садриддиндек ишбилармон раҳбардан фахрланаётганини, келгуси кунларга ишонч билдираётганини сездим.

Ҳозир кичик корхонада 20 киши ишлаяпти. Латифжон Ғаниев, Абдулла Шерматов, Мухторжон Қобулов, Алишер Йўлдошев каби ишчилар ҳадемай 50 кишига кўпаяди. Йилига 500 минг сўм фойда олишни кўзлаб турган корхонада ким ишлашни хоҳламайди, дейсиз. Ҳадемай камлик тортиб юрган одамларимиз бойиб кетишади. Баланд-баланд иморатлар солишади. Қишлоқлар янаям обод бўлади. Мен бунга ишонаман.

Замира РЎЗИЕВА,
Андижон вилояти.

Касаба уюшмаси ҳаёти

Тошкентнинг шимолий саноат қисмида жойлашган корхоналар ишчи-хизматчиларининг аксарияти Тошкент районида истиқомат қилади. Қўктерак қўрғонида тўпланиб автобусларга чиқиш жойида, баъзан суҳбатлашиб қолишади. Гап-гапга уланиб маошга келиб тақалади.

— Маошим 1200 сўм, — дейди Моҳира мақтангандай, — Чинни буюмларга гул чизаман. Ишим қизиқарли, ундан завқ оламан. Эрталаб ишга боришим билан бепул нонушта, тушликка беш сўмдан овқат пули берилади. Ошхонамиздаги овқатлар мазали. Заҳро опамлар ишлайдиган цехда ишчиларнинг маоши 2 минг сўм, шунақами Заҳро опа?

— Айрим жуда малакали, ишбилармон ишчиларимиз борки, улар завод билан шартнома асосида ишлаб ойига ҳатто икки ярим минг сўмдан туширишяпти,— дейди Заҳро опа.

— Чиндан ҳам ишхонамиз бой, — дейди Моҳира. — Наврўз куни 8 жойда катта дош қозонларда корхона ҳисобидан ош берилди. Сайллар, ўйин-кулгилар ўтказишга ҳам қанчадан-қанча маблағ сарфланди-ёв.

Моҳираю Заҳрохонларнинг гапларида жон бор. Чинни буюмларнинг нархи ҳам ошиб, шу туфайли корхона катта иқтисодий фойда олаяпти. Заводнинг янги корпуси ишга тушиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш кескин ортди. Бу йил 38 миллион дона чинни буюмлар тайёрлаш режалаштирилган. Ишчи-хизматчиларнинг социал химояси яхшиланганлиги ишлаб чиқариш хажмининг ўсишини таъминлаяпти. Маошларнинг 3—4 баробар ошганлиги жамоага катта куч ва ғайрат бахш этаяпти. Қайфиятни кўтараяпти. Шу туфайли биринчи кварталнинг ўзида режадан ташқари 200 минг донадан кўп чинни ишлаб чиқарилди. Бу бир неча миллион сўмлик қўшимча даромад демакдир.

— Ҳамма нарса даромадга боғлиқ — дейди чинни заводи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Эҳсон Орипов,— Корхонада 4 минг киши ишлайди. Жамоа катта. Ҳар товукка ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек ҳар бир ишчининг турмуш аҳволини ўрганиб чиққанмиз. У қандай яшайди, қандай кун кечиради, оиласининг таъминоти қандай? Шунга қараб уни

САХОВАТ МАНБАИ

қай тамондан химоя этиш кераклигини ўйлаб иш юритдик. Унинг унумли ишлашини таъминлайдиган омилларни яратдик. Мана шу тадбир ҳар бир меҳнатчини ўз ишига, жамоасига, заводга бўлган меҳрини оширди. Еттита катта цех бор. Улардаги конвейерларимиз бетўхтов ҳаракатда. Конвейерларни дам олиш ва байрам кунлари ҳам тўхтатиш мумкин эмас. Ўз ишига садоқатли чиннисозлар маҳсулот чиқаришда узилишга йўл қўймаслик учун уларнинг бир маромда ишлашини таъминлашга бел боғлаганлар. Галма-галдан график асосида дам олишади, албатта. Бизда ҳар бир оддий ишчи ҳам корхонанинг умумий ишига маъсулият ҳисси билан қарайди. Заводнинг маркаси учун, шаъни учун жон куйдиради. Буни инобатга олган корхона маъмурияти ўз навбатида асосий диққатни ишчиларни ҳар тамонлама химоя қилишга қаратаяпти. Буни маъмурият билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилаётган жамоа шартномасидан билса ҳам бўлади. Унинг бандлари ўтган йилдагидан анча пурҳиммат этиб битилди. Меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, хордиқ чиқаришларини ташкил этиш юзасидан кўриладиган тадбирлар айниқса салмоқли. Жумладан қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилоятида турбаза очдик. Бу чиннисозларимизнинг сайру саёҳатга бўлган ҳоҳишини қондиради. «Автомобилист» дам олиш зонасини сотиб олдик. Ҳозирда у ерда ремонт ишлари кетаяпти. Ўнда ҳар ойда 50 киши дам олиши мумкин. Завод қошидаги тиббиёт пунктида муолажа бўлими очдик. У ҳар ойда 40—50 кишини даволаяпти. Сағбон кўчаси деганда одамлар Чинни заводи томонни тушинишади. Шу туфайли бу кўчани тартибга келтириб, кўкаламзорлаштиряпмиз. Бу корхона худудининг экологик жиҳатдан тоза ва мусаффо бўлишини таъминлайди.

Ишчи-хизматчиларимиз бу йил курорт ва санаторийларга йўлланмаларни икки марта кўп оладилар, 1991 йилда 60 та олган эдик. Йўлланмаларнинг нархи ошиб 2—3 минг сўмни ташкил этаяпти. Бу оддий ишчига оғирлик қилади, албатта. Шунинг учун йўлланма қимматининг 15 фоизини ишчи тўлайдиган бўлди. Қолган 85 фоизи касаба уюшмаси ҳисобидан тўланади. Қўмитамиз жамғарма пулидан кўп болали, кам даромадли ишчи оилаларига моддий ёрдам бериб турилади. Ишчиларга бепул нонушта, тушликка ҳар куни беш сўмдан пул, заводда 20 йил ишлаган аёл, 25 йил ишлаган эркак ишчининг ҳар бирига 700 сўмлик чинни буюмлари совға қилинади. Пенсияга чиқаётганларга бир ойлик маош миқдорида мукофот бериш йўлга қўйилган. Бундан ташқари заводимиз бир қатор катта ҳайрия ишларига ёрдам қўлини чўзаяпти. Чунончи нарх-наво ошиб қоғоз тақчиллиги келиб чиққан ҳозирги қийинчилик даврида «Ўзбекистон овози» газетасини моддий жиҳатдан қўллаш учун 100 минг сўм ажратишга қарор қилинди.

Наврўзи олам кунларида кўп минг кишилик жамоамизнинг байрам дастурхони сарфи ҳаражати, сайллар, маданий-маиший тадбирлари учун сарфлар завод ҳисобидан бўлди.

С. Рахимов районидаги Улуғ Ватан уруши ногиронлари шифохонасида даволанаётганларга, райондаги боқувчисиз қолган ногиронларга чинни идишлардан наврўз совға-саломи улашдик.

Ҳайрия ҳаммаси чиннисозларнинг чин ва ҳалол пешона тери эвазига келаётган иқтисодий фойда ҳисобидан бўлаяпти. Саховатимиз манбаи меҳнатдадир.

Тожибой АЛИМОВ.

ИШОНЧСИЗЛИК БИЛДИРИЛДИ

АНДИЖОН вилояти шаҳар ва қишлоқларида аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш ўта қониқарсиз ҳолдалиги учун ҳам касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгашининг раёсати вилоят алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, касаба уюшмаси аъзоси А. Мўминовга ишончсизлик билдирди ва унинг эгаллаб турган вазифасига нолойиқ деб топди. Раёсатнинг бу ҳақдаги қарори республика алоқа вазирлигига ва халқ депутатлари вилоят кенгашига ҳавола этилди.

...Кейинги йиллар ичида вилоят алоқа бошқармаси хизматига бўлган эътирозлар кучайиб кетди. Буни вилоят идораларига, оммавий ахборот воситаларига келаётган юзлаб шикоятлар, аризалар ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса телефон хизматидаги нуқсонлар йил сайин камайиш ўрнига кўпайиб кетмоқда. Бу ҳақда алоқа бошқармаси раҳбарлари билан жиддий суҳбатлар, аччиқ муҳокамалар бўлиб ўтди, аммо бундан хулоса чиқарилмади.

Андижон шаҳридаги Октябрь кўчаси, 215-уйда истиқомат қилувчи Т. Биллиева, биринчи гуруҳ ногирони Титенюк, Бобур шоҳ кўчаси, 21-уйда яшовчи Ш. Ғофуров ва бошқа фуқароларнинг телефонлари узоқ вақтдан бери ишламаяпти. Бозор иқтисодиёти қийинчиликларини соғлом кишилар зўрға енгаётган бир пайтда, ана шу ногирон ва қарияларга ёрдам бериш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз бўлиши керак эмасми?! Жамият учун ўзининг соғлиғини берган, ёшлигини бахшида қилган одамларга мана шундай оғир пайтда ҳеч бўлмаса телефонларини ишлатиб беришимиз зарур-ку!

Раёсат йиғилишида телефон туширишдаги навбатга риоя қилмаслик, оддий фуқароларнинг камситилиши, уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, фахрийларга муносабат ўта ёмон эканлиги таъкидланди. Вилоят алоқа бошқармасида ўз ходимларига бўлган эътибор ҳам талаб даражасида эмас. Бошқармага қарашли 24 та ташкилотда жамоа шартномаларининг бажарилиши ўлда-жўлда. Маъмурлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш юзасидан ҳеч қандай масъулиятни сезмайдилар. Алоқачиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, иш, дам олиш шароитини яратиш, турар-жой масаласини ҳал этишдаги жуда кўплаб муаммоларнинг узоқ вақтдан бери ҳал этилмаётганлиги учун ҳам шаҳар алоқа бўлимида иш ташлаш қўмитаси тузилди. Қўмита вилоят касаба уюшмалари бирлашмасига бир қатор талаблар билан мурожаат қилди.

Касаба уюшмалари вилоят бирлашмасининг таклифи билан вилоят алоқачиларининг семинар-учрашуви ташкил этилиб, унда жуда кўплаб муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди. Аммо уларни бажариш, ҳаётга татбиқ қилиш билан ҳеч ким шуғулланмади, алоқа бошқармаси эса янги-янги тадбирлар тузиш билан банд бўлди. Бундан олти йил муқаддам Андижон шаҳрида 140 километрлик янги кабеллар тортилади ва бу билан хизмат кўрсатиш яхшиланади, деб тадбир тузилган эди. Аммо эндигина қирқ километрга кабель ётқизилди, холос. Худди шунинг учун ҳам вилоят республикада ҳар юз оилага телефон ўрнатиш бўйича охирги ўринлардан бирини «қатъий» эгаллаганча турибди. Шаҳар ижроия қўмитасидан маълум қилишларича, сўнгги икки йил ичида уруш қатнашчилари ва ногиронлардан 235 кишининг уйига телефон ўрнатилган, бу қилиниши керак бўлган ишнинг учдан бири холос...

Раёсат йиғилиши алоқа хизматининг ёмон аҳволга тушиш сабабларидан бири раҳбарият томонидан талабчанлик бўшаштириб юборганлигидир, деб кўрсатилди. Меҳнат интизоми ҳам издан чиқиб кетган. Алоқа бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси айтилган камчиликларни тез орада бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўриши керак.

Узоқбой САҚСОНБОЕВ,
(Ўз мухбиримиз).

ҚАСАНАЧИЛАР ҲИММАТИ

Андижондаги «Барно» ширкати аъзолари ой сайин сифатли хон атлас тўқишга эришмоқдалар. Ишбилармонлар дастлабки кунларданоқ унумдорликни ошириш, вақтдан тежаб фойдаланиш мақсадида дастгоҳларни бевосита касаначиларнинг уйларига ўрнатиб бердилар. Шу кунларда дастгоҳ эгаларининг ҳар бири 5—7 метрдан атлас тўқиб, дилбар қизларимизнинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжларига лаббай деб жавоб беришга ҳаракат қилаяптилар.

Суратда: Ширкатнинг пешқадам ишчиларидан бири Шоирахон Юсупова.

У. ХАЙДАРОВ.
Сурат муаллифники.

ИБРАТЛИ ИШЛАР

ОЛТИАРИҚ районидаги Бозорбой Отақулов номли жамоа хўжалиги касаба уюшмасининг 1700 дан ортиқ аъзоси бор. Касаба уюшмаси ташкилоти улар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, одамларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, қулай шарт-шароит яратиш юзасидан зарур чораларни кўриб келяпти. Иқтисодий танглик ҳукм сураётган айни пайтда одамлар ҳартарафлама ижтимоий ҳимоя қилиняпти. Кейинги уч йилнинг ўзида якка тартибда уй-жой қуриб олиш ва экин-тикин қилиш учун 224 гектар ер ажратиб берилди. Чорва молларига эга бўлмаганларга 117 бош қорамол, 779 та қўй ва эчки, 1500 тадан кўпроқ парранда арзон баҳоларда сотилди. Шу билан бир вақтда чорва молларига эга бўлган аҳолига имкон даражасида озуқа етказиб берилди. Ўтган йили ҳар бир аъзога 100 килограммдан буғдой берилди. Фахрийлар ва боқувчисини йўқотганлардан 72 киши ана шу буғдойни касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан текинга олдилар. Шу билан бир вақтда ўтган йилнинг Наврўз байрамида фахрийлардан 68 кишига текинга гўшт, гуруч, қанд, чой сингари камёб маҳсулотлари ҳам тақдим этилди.

Меҳнат аҳлининг ва фахрийларнинг дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши устида алоҳида жонкуярлик қилиняпти. Далачилик бригадаларида ва чорвачилик фермаларида одамларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароит яратилган. Дала шийпонлари ёзда меҳнат аҳлининг иккинчи уйи бўлиб қолади. 3 та доимий ва битта мавсумий болалар боғчаларида 250 дан зиёд кичкинтойлар тарбияланади. 3 та кинотеатр, клуб, кутубхона хам хизматда.

Шу билан бир вақтда касаба уюшмаси йўлланмаси билан ўтган йили 60 дан зиёдроқ киши санаторий ва курортларда, дам олиш уйларида ўз саломатликларини мустаҳкамлаб қайтди. Яна кўплаб меҳнат аҳли касаба уюшмаси ташкилоти ва жамоа хўжалиги бошқаруви ташаббуси билан водиймизнинг диққатга сазовор жойларида дам олди.

Ҳамма жойдагидек Файзиобод қишлоғида ҳам аҳоли зич яшайди. Шунинг учун ҳам касаба уюшмаси ташкилоти ва жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбарияти бамаслаҳат иш тутиб, иш жойларини анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Айни вақтда бу ерда бир неча ёрдамчи кичик корхоналар ишга туширилди. Ғишт заводи, консерва, трикотаж ва қандолатчилик цехларида 150 га яқин киши меҳнат қиляпти.

— Биз ўтган йилдагидек бу йил ҳам Наврўзни муносиб нишонлаяпмиз,— дейди жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Абдулазиз Аъзамов. Бу йил ҳам чинакам байрамга айланди. Фахрийларимизнинг уй-жойлари таъмирланиб, қишлоғимиз кўчалари тозаланди, кўплаб мевали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда.

Турсунбой МАҲМУДОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийси.

Хатлар - ҳаёт ойнаси

РОСТЛИК ИМОНГА ҚАЙТАРАДИ

Ҳар доим хонадонимизга кириб қолаётган «Ишонч»га биз жудаям ишонамиз. Чунки у саҳифаларига қанчадан-қанча қувончу аламларни сиғдириб, бизларга ёрдамини аямаяпти. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида оилаларнинг қийинчилиги ғоят ошиб кетди. Шундай бир пайтда газетага суянмай кимга суянайлик.

Бизнинг районда нархлар ҳаливери нормаллашадиганга ўхшамайди. Магазинларда нарх қўйилмайди. Қўйилса ҳам тушуниб бўлмайди. Кўрсатилган нархда эса ҳеч нарса ололмайсиз. Бозорни энди қўяверинг, ҳамма газеталарда нарх-навонинг харид нархлари эълон қилинди. Лекин ўша иловага ҳеч ким эътибор бермайди. Калла-поча, ичак-чавоқ қўшилган гўштни номардлар 40—50 сўмдан сотади. Яна қайта тортганда 850 грамм чиқади.

Жума шаҳрида 3 та дўкон бор. Эски йилда талон билан тўрт ой гуруч ололмадик, янги йилда гуруч олиб келишди. Қимматлашган, нархи 5 сўмдан. Сотувчи эса 5 сўму 40 тийиндан сотди.

Районимизда нонвойхона ҳам бор. 300 граммлик кулча нонни 1 сўму 20 тийиндан сотишди. Ҳозир энди буханка нон келаяпти. Тортиб кўрилса бир буханкаси гоҳо 750 граммдан, гоҳида 650 граммдан ошмайди. Кулча нонни нонвойхонанинг ўзидан 1 сўм 40 тийиндан сотишаяпти. Бир кулчанинг вазни кўп чиқса 300—350 грамм келади. Халқ бечора шунга қаноат ҳосил қилиб ўтирибди.

Мен 300 сўм ойлик оламан, ўқитувчиман, тўрт нафар ейман-ичаман деб турган фарзандларим бор. Олган уч юз сўм пулим 7 ярим килограмм гўштга етади, холос. Умуман қай томонга бош уришни билмай қолдик. Магазинларда оёқ кийимлар йўқ. Кооперативда 1500—2000 сўмликлари бор. Уни ололмайман, бойлар кулса-кулсин, майли. Ўқитувчи бўлсам ҳам мактабга калиш билан қатнайман, чунки қиммат нарса олишга иложим йўқ. Илгари 60 сўм турадиган этиклар чайқовчининг қўлида палон пул. Чит, бахмал ҳам савдогарда. Ахир савдогарларнинг заводи йўқ-ку, улар бу буюмларни қаердан олишяпти? Магазинда йўқ нарса савдогарда,6—7 сўм турадиган читни палон сўмга сотиб ўтирган савдогарнинг мушугини ҳеч ким пишт демайди. Агар мол берган магазинчи билан мол олган савдогарни юзма-юз қилиб бир марта жазо берсак, иккинчи бор улар ўйлаб қадам босармиди.

Қай куни дарсдан чиқиб келаётсам, 16—18 ёшлар орасидаги болалар темир йўл кўприги устида туришибди. «Кечқурун чиқмаган хотин», дейди биттаси. Гўёки сумкамни тушириб юбориб дафтарларни тераётгандай бўлиб қулоқ солдим. Болаларнинг фикри магазинларнинг ойларини тошбўрон қилиш экан. Индамай кетишга юрагим, виждоним, иймоним йўл қўймади.

— Болаларим, 26 йилдан бери ўқитувчи бўлиб ишлайман. Сизлар тенги менинг ҳам уч нафар ўғлим бор. Магазиннинг ойнасини синдириб нима фойда кўрасизлар. Ўзимизга зиён-ку! Шу синган ойналарга кимнинг ичи ачийди. Ахир эндигина тетапоя бўлаётган Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига тош отган бўлмайсизларми, десам, биттаси кулиб нима дейди денг: «Нарсаларни устига қўйиб сотаётган шу магазинчиларга зиён бўлсин деймиз-да».

— Эй, болажоним-а, ҳали ғўр экансан, — дейман унга. — Ҳаётдаги тўсиқлардан қоқилмай ўтишга ур-йиқит эмас, ирода керак, чидам керак. Ўша отадиган тошинг магазин ойнасига эмас, Ўзбекистоннинг, онангнинг кўксига, кўзига бориб тегади, билсанг! Сен йигит бўлсанг, ўзингни Ўзбекистон фарзанди деб билсанг, йўлда ётган ҳар бир тўсиқни нарироққа суриб қўй. Шундагина Ўзбекистоннинг келажагига бир фарзанд сифатида ғамхўр боққан бўласан. «Кечқурун чиқмаган хотин» деган бола бошини қуйи этганича шерикларга юзланди:

— Кетдик, болалар!

Шулар ичидан Нодиржон деганн ажралиб чиқиб: «Раҳмат, опа, биз сизни жуда яхши тушундик», деди. Агар ишонсангиз, ўзимни шундай енгил ҳис қилдимки, гўё оёқларимга совуқ ўтаётган калиш эмас, иссиққина этик кийгандай уйга енгил келдим. Биз Президентимизнинг жўшқин сўзларига дилдан ишонамиз. Бошқалар ҳам ишонишини истаймиз.

Руқия БОБОҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти, Паст Дарғом райони пионер ва ўқувчилар уйи қошидаги адабиёт тўгараги раҳбари.

— Келажагингиз порлоқ бўлсин, болажонлар! — дея кутиб олишди ҳаётга шу бугун қадам қўйган ширинтойларни Олтиариқ район туғуруқхонаси дояси Аниса Фаррохова, ҳамшира Маърифат Файзиматова ва бош врач Ҳикматой Абдуллаевалар.

Суратқаш Жўра БОБОРАҲМАТ.

ЙЎЛИ ОЙДИН

«ИШОНЧ» ҳафталиги дастлабки пайтларданоқ мухлисларни ўзига ром эта олди. Айниқса, ҳозирги оғир иқтисодий шароитда ўз дардлари, қийнаётган муаммолари бўйича шу рўзномага мурожаат этаётганлар кўпайиб бормоқда.

Инсоний қадриятларимиз анқонинг уруғига айланиб бораётган бу оғир дамларда одамларимизда эртанги кунга ишонч туйғусини уйғотиш, уларда эътиқодни шакллантиришда «Ишонч»нинг ҳиссаси катта. Лекин кўплаб мақолалар ҳажм жиҳатидан анча катта бўлиб қоляпти. Бундай материаллар кишини баъзан зериктириб қўяяпти. Биз газетада «Садоқатнома» деб номланган янги рукн ёки саҳифа ташкил этилишини истардик. Унда ҳали ҳеч ким билмаган, танимаган садоқатлилар ҳақида ҳикоя этилса деган умиддамиз.

Ўйлаймизки, «Ишонч» ҳамиша одил йўлдан бориб, мухлислар кўнглидан жой олаверади.

Умринисо АСҚАРОВА,
Ўзбекистон Телерадио компанияси ташкилий-усулият бошқармаси муҳаррири.

БИЗГА ЖАВОБ ЙЎЛЛАЙДИЛАР

Газетамизнинг 7-сонида М. Зиёхоновнинг «Троллейбусда яланғоч аёл» номли мақоласи чиққан эди. Унда Тошкент шаҳридаги баъзи бир жамоат транспортлари салонларига осиб қўйиладиган, кўпчиликни ранжитадиган, инсонийликни таҳқирлайдиган ҳаёсиз суратлар ҳақида кескин фикрлар айтилган эди.

Биз бу хусусда муҳарририятимиз номига Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Б. Абдуллаевдан қуйидаги жавобни олдик:

Ҳафтаномада чоп этилган «Троллейбусда яланғоч аёл» мақоласи бошқарма касаба уюшмаси қўмитасининг йиғилишида муҳокама қилиниб ҳақиқатга яқин деб топилди.

Айрим троллейбусларда яланғоч аёлларнинг суратлари ёпиштирилганлиги тўғри. Бошланғич касаба уюшмаларида мақолани муҳокама қилиб, бундай номаъқулчиликка чек қўйиш топширилди. Бир ҳафта мобайнида ҳамма трамвай, троллейбусларни текшириб, учраган суратларни олдириб ташлаш вазифаси юклатилди».

ЁРДАМГА МУҲТОЖМИЗ

деб мактуб йўллашибди Олтой районидаги хўжалик ҳисобидаги кооператив ва якка тартибда уй-жой қуриш бўлими муҳандислари Т. Ботиров ва Б. Ҳожимуродовлар. Улар район агросаноат ходимлари касаба уюшмасидан икки кишилик (12 кундан) бир йўлланмани ўз шахсий пулларига — 524 сўмга сотиб олишибди.

Дам олиб қайтгач, давлат муассасалари район ва вилоят касаба уюшмаси қўмиталари раҳбараларидан шу йўлланма ҳақининг маълум миқдорини тўлашда моддий ёрдам сўриб ариза ёздик, лекин бирон-бир натижа чиқмади, деб ёзишибди улар.

Бу мактуб бўйича Бухоро вилояти давлат муассасалари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Л. Ҳамидова қуйидагиларни маълум қилади:

«Умумиттифоқ касаба уюшмаси котибиятининг 1990 йил 18 майдаги 7—11 рақамли қарорига асосан фақат курорт-санаторийга даволаниш учун сотиб олинган йўлланманинг харажати шу йўлланма олингани ҳақидаги ҳужжатлар ҳамда даволанган курорт-санаторий дафтарчаси асосида тўланади.

Шу сабабли Ботиров Т. ва Б. Ҳожимуродов томонидан «Зеленоградский» дам олиш уйига сотиб олинган йўлланма нархининг қисман миқдорини тўлаш учун вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг имконияти йўқ.

Касаба уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам беришни улар ишлайдиган ташкилотларнинг касаба уюшмаси ҳал қилади».

АНИҒИНИ БИЛИШНИ ИСТАРДИМ

деб мактуб йўллабди Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз районидаги Мичурин номли 39 ўрта мактаб муаллими Нурбобо Ербобоев. У ўқитувчилар таътилда бўлган пайтда ойлик оширилса, уларга янги тариф бўйича маош тўлаш қачон кучга киришини сўрабди.

Бу хусусда Ўзбекистон халқ таълими вазири муовини М. Султоновдан қуйидаги жавобни олдик:

«Агар амалдаги қонунга асосан ойлик маош оширилган вақтда ўқитувчи ёки халқ таълими ходими меҳнат таътилида ёки ишга қобилиятсиз ҳолда бўлса, у вақтда янги ойлик маош ўша муаллим ишга тушган кундан бошлаб буйруққа киритилади».



Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат. Бугунги Оксарой.

АЁЛЛАР ПУЛЛАРИНИ ҚАЧОН ОЛАДИ?

Мен хўжалигимиз аёллари аҳволидан қуйиниб сизларга ёзмоқдаман.

Бизнинг Чироқчи районидаги «Қалқама» давлат хўжалиги боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланади. Сув камлиги учун фақат лалмикор ерларга ток экилган. Қанчалик меҳнат қилинмасин мўлжалдаги ҳосилни ололмайсиз. Шунинг учун ҳам аёлларимиз иш ҳақи кам. Жуда кўп хотин-қизлар ишсиз. Ишлаганларига ҳам иш ҳақи ўз вақтида берилмайди. Хайриятки, Президентимиз болаларнинг нафақа пулини кўпайтирди. Кўпгина оилалар мана шу нафақа пули эвазига кун ўтказмоқдалар.

Лекин «Қалқама» давлат хўжалигида мана шу болаларнинг нафақа пуллари ҳам ўз вақтида келтириб берилмайди. Ҳатто ўтган йили март ойида туғилган болаларга ҳам суюнчи пуллари берилмаган. Боласини боқиш учун бир ярим йиллик дам олишда бўлган аёлларга июль ойидан буён 110 сўмлик, 80 сўмлик нафақа пули ва охирги ярим йиллик кийим пули, декабрь учун 40 сўмлик пуллар берилмаган. Ҳатто озгина бўлса-да, ишлаган иш ҳақини ҳам ўз вақтида ололмайдилар. Хўжалик маъмуриятига мурожаат қила-қила чарчадик. Наҳотки, Президент фармонлари бизнинг давлат хўжалигимизда амалда бажарилмаса. Ёки «Қалқама» совхози маъмуриятининг ўзгача фармонлари мавжудмикан? Ахир биз ёрдам пулларини қачон оламиз?

Директоримиз Б. Боймуродов аёлларимизнинг ушбу саволларига қандай жавоб берар экан?..

Ф. САЪДУЛЛАЕВ,
Лангар қишлоғи.

ИШОНЧ

Қадамингизга ҳасанот

Гулларча жаҳонда бир қизил гул,
Гуллар чаманидан нозли булбул.
Санъат қўйилди номи онинг,
Санъатга муносиб кори онинг,
Санъат ишида ягона санъат,
Санъат гулидин нишона санъат,
Ўсгай кулиб, ўйнаб, ёна санъат,
Иш қилгуси қаҳрамона, Санъат.

БУ МИСРАЛАРНИ хоразмлик бахши шоир Эркин 1934 йили 13 майда Хоразм театрининг артистлари Молиҳ ва Бибижон Дивоновлар хонадонига ўзидан-ўзи кириб келиб айтган эди. Ўша куни хонадоннинг тўнғич фарзанди Санъатжон икки ёшга тўлган эди. Хонадон аҳли танимаса ҳам «ўзи кириб келган меҳмон неъмати «худо» дегандек бор таомлари билан сийлашади. Шоир ўқиган шеърини қоғозга ёзиб қолдиради. У ҳамон Дивоновлар хонадонида сақланиб келмоқда. 58 йил бурун ёзилган мисраларнинг қиммати шундаки, ўша икки ёшлик мурғак гўдак бугун Ўзбекистон халқ артисти, машҳур кино ва театр актёри, Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг директори Санъат Дивоновдир.

«Санъат гулидан нишона санъат... Иш қилгуси қаҳрамона, Санъат» деган мисралар башоратли бўлиб чиқди. Эндиликда республикамиз кино санъатида Санъат Дивоновнинг номи ардоқли ва эъзозлидир. Бу истеъдод соҳибининг чеҳраси қарийб қирқ йилдан бери экранларда намоён бўлиб, барча учун севимли бўлиб қолди.

У ўйнаган фильмлардаги қиёфалар қаерга етиб борган бўлса, кимнинг нигоҳи тушган бўлса ўша кино мухлисининг юрагида муҳаббат уйғотган. Бунинг далили сифатида олис хорижий мамлакатлардан актёр номига келган хатларга назар ташлаш кифоя. Қўлимизда Дрезден шаҳридан келган хат:

«Ҳурматли Санъат Дивонов. Сизнинг «Амирликнинг емирилиши» даги Шерали ролингиз мени ниҳоятда ҳайратлантирди. Сизни кинопрограммада атиги икки марта кўрдим, холос. Кўпроқ кўрсам эди...

Марго Зекель, олий мактаб ўқувчиси.
1956 йил, 15 февраль».

Биргина шу хатнинг ўзиданоқ қаҳрамонимиз қандай киноактёр бўлганлигини аниқлаш қийин эмас. Чунки ўзга халқ, ўзга дунёқараш ўзга дин, ўзга урф-одатда тарбияланган кишиларни мафтун қилолган санъаткор, билингки, сўзсиз юксак маҳоратлидир. Бундан ташқари қарийб қирқ йил давомида турли давлат кинорежиссёрларининг диққат марказида бўлган киноактёр, ҳеч шубҳасиз улкан истеъдод соҳиби ҳисобланади. Негаки, ҳеч ким ношуд актёрни ўз фильмида ўйнатгиси келмайди. Агар бир фильмида янглишиб ўйнатса албатта, иккинчисида чақирмай қўяди.

Санъат аканинг бахти шундаки, кино, телефильм режиссёрлари ҳамон у кишини янги-янги ролларга таклиф этмоқдалар. Бунинг сири нимада? Бунинг сири, менимча, биринчи навбатда ноёб истеъдод, ақл-заковат, адл қомат, файзли чеҳрада, иккинчидан, машаққатларга сабр-бардошда.

Одатда, шундай севимли, ардоқли инсонларни кўрганда, эшитганда кишида бир талай саволлар туғилади: ким экан, қандай оилада тарбия топган экан, ота-онаси кимлар экан? Ғарб давлатларида машҳур кишиларнинг бутун ижтимоий келиб чиқиши, ҳозир қандай кундалик ишлар билан машғул бўлаётганлиги батафсил ёритиб борилади. Биз бу масалада ҳали анча орқадамиз десак — хато бўлмайди.

С. Дивонов 1932 йили Хоразм вилояти, Хонқа районидаги ҳозирги Охунбобоев номли колхозда санъаткорлар оиласида таваллуд топган. Ота-боболари санъат кишилари эди. Бобоси Отажон Абдулла гарчанд бош вазир Исломхўжа девонида хизмат қилган бўлса ҳам ғижжакни яхшигина чалган. Шу боис Девонбобо ғижжакчи номи билан машҳур бўлган. Асл исмлари унутилиб, ҳатто фарзандларининг фамилиялари ҳам Дивонов бўлиб кетган. Оталари Солиҳ Дивонов Огаҳий номли Хоразм вилоят театрида актёр, режиссёр, директорлик лавозимларида ишлаганлар. 1975 йили 60 ёшларида вафот этганлар. Оналари Бибижон Дивонова ҳам Огаҳий номли театрда актриса бўлиб ишлаганлар. Ўтган йили 76 ёшларида вафот этдилар. Бир сўз билан айтганда икки гавҳар қалбли инсонлардан бунёд бўлган санъаткордир, у.

Айтишларича, С. Дивонов «Арши мол олон» спектакли ўйналаётган вақтда саҳнада туғилган экан. Шу боис исмларини Санъат деб қўйишибди. Санъатжон санъатчилар оиласида ўсгани учунми тезда мусиқа, ашула, спектакллар уни ўз домига торта бошлайди. 8—9 ёшидан ашула айта бошлайди. Овозлари жаранглаб чиқиб ота-онасини қувонтиради. 12—13 ёшга етганда онаси Бибижон билан қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида концерт берган эди. Уни стол устига чиқариб ашула айттиришарди. Ёш Санъатжоннинг қўнғироқдай овози одамларни мафтун этарди. Айниқса:

«Онажон ёдимдадир тинмай азоб чекканлариз»... деб бошланадиган қўшиқни айтганида ўғиллари урушга кетган, урушда бедарак йўқолган, жангларда ҳалок бўлган қалби доғли оналарнинг кўзларида ёш қалқирди. Қўшиқ тугагач Санъатжон қарсакларга кўмилар, аёллар уни қуршаб, юз-кўзларидан ўпишар, бор нарсалари билан сийлашарди. Ёш санъаткорнинг бундай эъзозланиши кучига-куч қўшиб янада санъат оламига тортиб борарди. Балоғат ёшига етгач театрга актёр қилиб ишга қабул қилишди. 1947 йили «Шохи сўзана» даги Омонбой С. Дивоновнинг саҳнадаги биринчи катта роли бўлди. Сўнгра кетма-кет «Гулсара»да Толибжон, «Армуғон»да Баҳром, «Олтин кўлда» Турсунали каби серқирра образлар ярата бошлади.

1954 йилда С. Дивоновнинг ҳаётида ижоднинг янги йўли пайдо бўлди. Бу киноактёрлик санъати эди. Бу йўл кейинчалик Санъат ака ижодининг бош йўли бўлиб қолди ва ҳаётининг мазмунини ташкил этди. Энди экранда ёзиладиган титрларда Санъат Дивоновнинг номи бош қаҳрамонлар қатори ёзиладиган, яратган сиймоси миллионлаб киномухлисларни ҳаяжонга соладиган бўлди. Ҳозир Ўзбекистон кино юлдузларининг портретлари орасида С. Дивоновнинг портрети ҳам фахрли ўринда турибди.

Унинг кинодаги ижодий йўли «Мосфильм» билан «Ўзбекфильм» студиялари биргаликда яратган «Амирликнинг емирилиши» кинофильмидаги Шерали ролидан бошланган. Сиз, қандай қилиб олис Хоразмдаги бир вилоят театрининг 22 ёшли артисти бирдан бош ролга ўтиб қолди, деб қизиқарсиз. Воқеа бундай бўлган экан. «Мосфильм» режиссёри Владимир Басов ва «Ўзбекфильм» режиссёри Латиф Файзиев биргалашиб ҳамма вилоят театрларига хат ёзишади. Улар эътиборли актёрларнинг фото суратини юборишни сўрашади. Илтимос бажарилади. Орадан уч ой ўтгандан кейин Ваҳобжон Фаёзов билан Санъат Дивоновни кинопробага суратга тушиш учун «Ўзбекфильм»га келиб кетишлари сўралган хат келади. Улар хурсанд бўлиб келишади. Лекин Санъат Дивоновнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмайди. Унга биров келдингми ҳам демайди. Фақат охирги кун уни студияга чақиртиришиб чалачулпа грим қилишиб, йўлига камерани ширилатиб проба олган бўлишади. Шу билан С. Дивонов театрга ҳомуш қайтади. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Тошкентга съёмкага чақириб қолишади. Келиб билса, Владимир Басов барча пробаларни кўриб чиқиб, йўлига олинган С. Дивоновни бош қаҳрамон ролига танлабди. Шу куни кино осмонида С. Дивоновнинг ёрқин юлдузи кўринади. Шерали роли Санъат Дивоновнинг абадий паспорти бўлиб қолади.

САНЪАТГА МУНОСИБ КОРИ ОНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, МАШҲУР КИНО ВА ТЕАТР АКТЁРИ САНЪАТ ДИВОНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

С. Дивонов фақат «Ўзбекфильм» студиясида эмас «Мосфильм», «Тожикфильм», Украинанинг Довженко номли киностудияларига таклиф қилиниб қатор образлар яратгани киномухлисларга яхши маълум. Бундан ташқари Болгария фильмида ҳам образ яратган. «Ўзбекфильм» студияси билан Ҳиндистон киностудиялари ҳамкорликда яратган фильмларда роллар ўйнаган.

«Ўзбектелефильм» студияси ҳам Санъат Дивоновни ўзининг қаҳрамон актёри деб билади. Бу студия фильмларида у 1969 йилдан бери роллар ўйнаб келмоқда. Масалан «Шашмақом»да Одилхон, «Диёнат»да Бўрибой, «Гулобод ва хон Феруз» да Феруз каби ўнлаб образлари телестудия фильмотекасининг олтин фондидан ўрин олган.

С. Дивонов кинога чақирилиб йилига битта-иккита фильмда рол ўйнаган бўлса, театр саҳнасида 100 га яқин катта-катта эътиборли роллар яратди. «Тоҳир ва Зуҳра»да Тоҳир, «Майсаранинг иши»да Чўпонали, «Бой ила хизматчи»да Ҳолмат, «Гамлет»да Гамлет, «Навоий Астрободда»да Навоий, «Лайли ва Мажнун»да Мажнун, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»да Ғариб образлари театр санъати оламидаги ёрқин намуналардир.

С. Дивонов ёшлигидан мусиқа санъатига ихлос қўйгани учунми, мусиқали спектакллару, мусиқали фильмларни кўпроқ ёқтиради. Яхши мусиқали асарларни кўрганда алоҳида мамнуният билан томоша қилади. Шунинг учун «Лайли ва Мажнун», «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» спектаклларини катта муҳаббат билан Огаҳий театрида саҳналаштирган эди. Барибир С. Дивонов ижодининг асосий йўналиши киноактёрликдир.

С. Дивоновда одамлар билан тил топиб ишлай билиш қобилияти ҳам мавжуд. У бир неча ўн йиллардан бери санъат ташкилотларига раҳбарлик қилиб келаяпти. 1963—1967 йилларда Огаҳий номли театрга директорлик қилди. 1984—1986 йиллари «Ўзбекфильм»нинг актёрлар студиясида директор ҳамда бадиий раҳбар бўлиб ишлади. 1986—87 йилларда Аброр Ҳидоятов номли театрга директорлик қилди. 1987 йилдан шу кунгача Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат Академик драма театрига директорлик қилиб келмоқда. Ижод ва раҳбарлик ишини бирга қўшиб олиб бориш кишидан алоҳида темир асаб, катта ишбилармонлик, юксак маданият талаб қилиши сир эмас.

С. Дивоновда ана шу фазилатлар мужассам. Шу боисдан ўз вазифасини эркин бажаряпти. С. Дивоновнинг катта ижодий ва ҳаётий тажрибаси бугунги бозор иқтисодиёти шароитида дунёни чуқурроқ идрок этишга ундайди. Ҳали тўла шаклланмаган бу ижтимоий босқичда кўп янглишишлар бўлишини ҳис қилган ҳолда санъат ва адабиёт давлат назаридан четда қолмаслиги керак. Санъатга биржа орқали мурожаат қилиб бўлмайди. Санъат чайқовга чиқса жамият инқирозга учрайди. Санъаткорнинг қайноқ булоғини ҳеч қачон арзон-гаровга сотиб олиб бўлмайди.

Адолатли нуқтаи назар бу. Бундан ташқари мустақиллик мустаҳкам бўлиши учун одамлар санъат кўзгусига қараб юздаги нуқсонларни кўриб турмоқлари лозим.

С. Дивонов босиб ўтган йўли, қилган ишларидан фахрланади. «Чунки мен халқ дилига кирдим, мени олам таниди, мен дунёни чуқурроқ идрок қилдим. Бошқа касб кишиси бўлганимда балки ҳеч ким танимай ўтиб кетармидим», дейди. Ким, ўз касбини севсагина у билан фахрланади ва ўз ишидан мамнун бўлади.

С. Дивонов ўзи бир вақтлар шогирд бўлган бўлса, энди унинг қатор шогирдлари бор. Огаҳий номли театрда Ўзбекистон халқ артисти Мадраҳим Бобожонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Бекжон Отажонов, Гулнора Раҳимова, укаси Шуҳрат Дивоновлар ўз устозларига катта ҳурмат ва иззат билан муносабатда бўладилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Теша Мўминов С. Дивоновни кинодаги устозим деб билади.

Лекин Санъат Дивонов бугунги «Ўзбекфильм» ишларидан унчалик қаноатланмаяпти. Нега деганда миллий фильмларга ўзбек актёрларини эмас, Москва, Киев, Тбилиси, Ереван каби шаҳарлардан актёрлар таклиф этилади. Улар воқеани, образларнинг тўла моҳиятини тушунмай ўйнайди. Натижада ҳиссиз фильмлар экранларга чиқмоқдаки, бу миллий кино санъатимизни инқирозга олиб келиши мумкин.

Мустақил театр ва кино санъатини ривожлантиришда Сизга илғорлик ҳамиша насиб этаверсин, Санъат ака!

Ҳайдар МУҲАММАД,
шоир ва драматург.

ИШОНЧ
Барака

Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ҳаётидан

МЕҲРГА ҲАММА ТАШНА

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан меҳнат жамоалари олдида бир қатор мураккаб муаммолар кўндаланг бўлаяпти. Энг аввало ҳозирги нарх-наволар шароитида меҳнаткашларни, аҳолининг барча табақаларини социал жиҳатдан ҳимоялаш ғоятда муҳим вазифа бўлиб турибди. Ҳозир касаба уюшмаси ташкилотлари бу йўналишда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Буни Бухоро вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси, республика халқ депутати Ш. К. Ҳайруллаев билан қилинган суҳбат давомида яна ҳам ёрқинроқ ҳис этдик.

— Ростини айтиш керак, биз бозор иқтисодиётига етарлича тайёргарлик кўрмаган ҳолда ўтаяпмиз,— деди Шариф Қамолович.— Халқимиз бозор иқтисодиёти нима, унинг шакллари қандай, муносабатлар қай тарзда кечишини яхши билмайди. Қўшни республикаларга қараб биз ҳам шу мураккаб йўлга тушишга мажбур бўлдик. Шу боисдан энди касаба уюшмалари бозор иқтисодиётининг оғир юкини ўз гарданига олишга, халқнинг аҳволини бироз бўлсада яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Масаланинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳимлигини ҳисобга олиб бир қатор тармоқ касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари касаба уюшмалари қўмиталарининг бу борада кўраётган тадбирлари диққатга сазовордир. Улар корхона раҳбарлари билан ҳамкорликда меҳнат жамоаларида ижтимоий кескинликка йўл қўймаслик мақсадида иш ҳақи бўйича ҳар қандай чеклашларни олиб ташладилар. Натижада биргина Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида ўртача маош миқдори 600 сўмга айланмоқда. Тикувчилик, пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаларида ҳам шундай имкониятлар яратилмоқда.

Умуман биз ўтган йилнинг апрелидаёқ нарх-наволар оширилиши муносабати билан маошларни ҳам ошириш ва социал ҳимоянинг бошқа усулларини қўллашга киришган эдик. Бу масала раёсат мажлисида кўриб чиқилиб корхона касаба уюшмалари қўмиталарига тегишли тавсиялар берилган эди. Ўшандан бери 300 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса ўз ишчи-хизматчиларига моддий ёрдам кўрсатиб келаяпти.

— Тармоқлар бўйича социал ҳимоялашнинг йўлга қўйилгани яхши. Лекин умумий аҳволда ўзгариш бўлаяптими?

— Ўзгаришлар сезилаяпти. Қасаба уюшмалари вилоят кенгаши ўз раёсат мажлисида тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари маъмурияти ва касаба уюшмалари ташаббусини маъқуллаганлигидан хабарингиз бор. Улар нарх-навонинг эркинлашуви муносабати билан тармоқнинг амалдаги марказлашган тариф ставкаси доирасидан чиқиб, бундан буён хўжалик ишининг пировард натижаси ва олинадиган даромадга қараб ҳақ тўлашга ўтган эдилар. Албатта бу усул ишчиларнинг оилавий бюджетини анча бойитди.

Якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш мақсадида жойларда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар тармоғини ривожлантириш, шифобахш масканлар ва оромгоҳларни ободонлаштириш, спорт ишларини йўлга қўйиш билан шуғулланувчи ташкилотлардан солиқ ва бюджет тўловлари олинмаслик масаласини ҳал этаяпмиз. Қасаба уюшмалари кенгаши бу масалада маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсатининг яқинда қабул қилган қарорида халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия қўмитасидан тармоқ банклари, молия органлари иш ҳақини чеклашни тугатиш бўйича меҳнат жамоаларининг ташаббусларига қаршилик қилмасликлари учун уларга тегишли кўрсатмалар бериш талаб қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидан истеъмол моллари ва хизмат нархи ўзгариши муносабати билан аҳоли кўрадиган зарар ўрнини қоплаш, пенсия таъминоти ва касаба уюшмалари тўғрисида ҳамда бошқа бир қатор долзарб масалалар хусусида қонунлар қабул қилишни тезлаштириш сўралди.

Биз аввалари ҳам яхши қарорлар, эзгу-ният битилган ҳужжатлар қабул қилардик, лекин улар устидан дуруст назорат қилмасдик. Натижада бугунгидек ёмон аҳволга тушиб қолдик.

Буни яхши англаб олган вилоят кенгаши ва унинг раёсати қабул қилинган қарорлар ижроси устидан қаттиқ назорат ўрнатди. Кенгаш ходимлари билан биргаликда тармоқлар вилоят қўмиталарининг масъул ходимлари ҳам бу ишга жалб этилди.

— Шариф Қамолович, пойтахт талабалар шаҳарчасидаги воқеалар бизни ғоят ташвишлантирди. Ўқувчи-ёшлар манфаатларини кўзлаб касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Вилоят Кенгашимиз, тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бир мунча ишларни амалга оширди. Олинадиган аъзолик бадалларини 100 фоиз талабалар касаба уюшма қўмиталарида қолдирдик, уларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида санаторий-курортларга бепул ёки имтиёзли йўлланмалар берилмоқда, ётоқхоналарда яшаш шароитларини янада қулайлаштириш бўйича касаба уюшмалари ҳисобидан тегишли маблағлар ажратдик, моддий жиҳатдан ночор бўлган ўқувчи-ёшларга мунтазам равишда касаба уюшма хазинасидан ёрдам кўрсатиб турибмиз. Аъло ўқиётган ва фаол жамоатчи талаба, ўқувчиларга 16 та стипендия жорий этганмиз.

Деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси эса қишлоқ хўжалик техникуми ўқувчиларининг овқатини арзонлаштириш мақсадида 15 минг сўм пул ажратди. Кўп болали оилалардан бўлган ёки етим-есир бўлган 36 та ўқувчи ёшларнинг ҳар бирига бир йўла 100 сўмдан ёрдам кўрсатди. Дам олиш уйлари, санаторий-профилакторийларга бепул 84 дона йўлланма ажратиб берди. Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси парҳез ва умумий ошхоналарда овқат нархини 50 фоизга камайтиришни ўз зиммасига олди. Санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар 100 фоиз бепул берилаяпти. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, маданият, қурилиш, нефт ва газ, давлат савдоси ва матлубот ходимлари касаба уюшмалари қўмиталари ҳам вилоятда таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг моддий ҳолатларини бир мунча енгиллатишга қаратилган кўпгина юмушларни бажармоқдалар.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг кейинги раёсат йиғилишида кўп болали оилалардан чиққан боқувчиси бўлмаган етим-есирлар, оилали талабаларга бир йўла ёрдам кўрсатиш, талабалар овқатланадиган ошхоналарда таомлар нархини арзонлаштириш максадларида 500 минг сўм ажратишга қарор қилинди. Дам олиш уйларига, санаторий ва курортларга, профилакторийларга барча талабалар учун йўлланмаларни бепул бериш билан бир қаторда йўл ҳаражатларини ҳам тўлиқ тўлашга келишиб олинди. Ўқув юртларига эга бўлган касаба уюшмаларининг юқори ташкилотлари, халқ маорифи вазирлиги, халқ депутатлари вилоят ижроия қўмитаси олдига талабалар ётоқхоналаридаги шароитларни яхшилаш юзасидан аниқ талаблар мажмуи қўйилди.

Лекин қилаётган ишларимиздан қониқиш ҳосил қилаётганимиз йўқ. Холисона ниятларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида талабалар билан бамаслаҳат иш тутишимиз лозим. Ҳали ўқувчи-ёшларни ижтимоий ҳимоялашга бутун эътиборни қаратаолганимиз йўқ. Бундан ташқари ишчи-ёшлар ётоқхоналаридаги аҳвол билан ҳам яқиндан шуғулланиш талаб этилмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишда анчагина камчиликлар, эътиборсизликлар ва лоқайдликлар мавжуддир. Хулоса қилиб ўтганда ўқувчи-ёшларимизни чуқур билим олишларига шарт-шароитлар яратиб бериш, социал манфаатларини тўла ҳимоялаш бизнинг биринчи галдаги вазифаларимиз қаторига киради. Ахир ёшлар бизнинг яъни мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги-ку!

— Нарх-навонинг эркинлашуви айниқса ёлғиз ва ночор нафақахўрлар ҳамда ногиронларнинг моддий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиз раҳбарияти аҳолининг энг кам ҳимояланган ана шу тоифаси тўғрисида ғамхўрлик чораларини кўраяпти. Хўш, касаба уюшмалари кўрсатаётган мурувват қандай бўлаяпти?

— Ногирон ва ёлғиз нафақахўрлар учун имтиёзли нархда умумий овқатланишни ташкил этиш муҳимлиги яқинда бўлиб ўтган раёсат йиғилишида алоҳида қайд этилди. Бу соҳада вилоят ижтимоий таъминот, савдо бошқармалари, вилоят матлубот уюшмаси, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармаларининг саъй-ҳаракатлари ниҳоятда зарур. Ана шу савобли мақсад учун касаба уюшмалари кенгаши 100 минг сўм, нафақа фонди 50 минг сўм, тадбиркорлар уюшмаси касаба уюшмалари тармоқ қўмиталари билан биргаликда 30 минг сўм пул ажратишди. Тармоқ касаба уюшмалари қўмиталарига ёлғиз ва ночор қариялар ҳамда ногиронларнинг умумий овқатланишлари учун маблағ ажратиш имконларини излаш тавсия этилди. Негаки, юқорида қайд қилинган 180 минг сўм ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Молия вазирлигидан талаб қилинадиган 3,7 миллион сўм етарли эмас. Шу боис раёсат корхона ва ташкилотларга ҳам умид боғламоқда.

Меҳр-шафқат фонди касаба уюшмаларига таяниб, вилоят савдо бошқармаси билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида умумий овқатланиш нуқталарини ташкил этишдан ташқари ҳовлисидан ташқарига чиқаолмайдиган нафақахўрга кунига бир маротаба иссиқ овқат элтиб беришни таъминлайди.

— Бухорои-шариф ислом дунёсида иккинчи Маккаю-мукаррама, азалдан Мовароуннаҳр дин оламининг пойтахти бўлганини эътиборга олсак, ҳозирги шароитда диндорларнинг мавқеи касаба уюшмалари олиб бораётган юмушлардан баҳраманд бўлаяптими?

— Ҳа, Бухорои — шарифимиз азалдан ислом дини ўчоқларидан бири, яъни энг эътиборли маконларидан бири бўлиб келганлиги ҳаммага аён. Яқин-яқингача «дин ҳурофот» деган ақида миямизни чулғаб олганди. Диннинг маънавий-маърифий қуввати дахрийлар томонидан тескари тушинтирилиб, уни халқ оммасидан ажратишдек баттоллик харакатлари кўп бўлди ва динимиз қатағонга учради. Оллоҳю-таолога минг қатра шукурлар бўлсинким охирги пайтларда мустақиллик шабадаси шарофати билан динга, дин уламоларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Касаба уюшмалари ташкил этган барча ижтимоий ҳимоя соҳаларидан улар ҳам барча қатори баҳраманд бўлишлари мумкин. Маънавий тарбия йўриғида диндорларнинг олиб бораётган хайрли ишлари, бераётган маслаҳатлари бизни покланишга, қадриятларимиз қадрига етишга ундамоқда. Халқимиз маънавиятини равнақ топишига улар билимларидан янада унумлироқ фойдаланиб, ҳамкорликда иш олиб боришимиз, имкониятларимиз такозо этса кўмагимизни ҳеч вақт аямаслигимиз керак деб ҳисоблайман.

Вилоят касаба уюшмалари мачитларнинг бирини жиҳозлаш учун 13 минг сўм ажратди. Уни ғилам-поёндозлар билан таъминлади. Бундай ҳамкорликда вилоят агросаноат комплекси ходимларининг хизматини алоҳида таъкидламоқчиман, ҳамкорлик ҳеч қачон ёмонликка олиб келмайди.

Суҳбатдош Ражаб НОСИРОВ.

ШЕРИКЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Бултур хўжалигимиз ишлаб чиқаришининг кўпгина соҳаларида режалар ошириб бажарилди. Хусусан, давлатга пахта сотиш режаси 113 фоизга уддаланди. Қабул пунктларига 2777 тонна «оқ олтин» топширилди. Шунингдек, давлатга сабзавот, мева сотиш режалари ҳам уддаланди. Ана шу муваффақиятларда 1380 касаба уюшмаси аъзосининг ҳиссаси катта бўлди.

Бирор соҳа йўкки, касаба уюшмалари аралашмаган бўлсин. Меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини жорий этишда ҳам касаба уюшмаси ташкилоти бош-қош бўлиб келаяпти. Бултур сабзавот, полиз, мевачиликда 74 та оила пудрати ташкил этилди. Бундай усул пахтачиликда ҳам қўлланилди.

Пахтачиликда пудрат усулида ишлаган Шухрат Баҳромов, Бурхон Нажмиддинов, Фатто Раззоқов оилалари давлатга кўп миқдорда пахта сотиб, шунинг эвазига катта даромад эгаси бўлдилар.

Шайхиддин Латипов, Али Отаев, Ҳалима Қурбоновалар бошлиқ бригада касаба уюшмаси аъзолари бултур ишлаган ҳар бир сўмларига 1 сўм 85 тийиндан 2 сўм 56 тийингача қўшимча ҳақ олдилар. Қувончли томони, бу ерда Президент фармонлари ижроси тўлиқ таъминланяпти. Бултур 400 кишига уй-жой қуриш учун участка, 730 кишига томорқа учун ер берилди. 2844 хўжаликка бузоқ, 297 оилага қўй сотилди. Қишлоқларнинг 90 фоизи газлаштирилди. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлашнинг қўшимча чоралари кўриляпти. Тахтахон, Мугалон, Буктарой, Қучик, Сармижон, Қўрғон, Лабируд, Қўнғирот қишлоқлари водопроводлаштирилган. Қишлоқда бошқа социал муаммолар ҳам ҳал этилмоқда. Болалар боғчалари, мактаблар қурилмоқда.

Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг дам олишини ташкил этиш йўлида ҳам қўшимча чоралар кўрилаяпти. Бултур 57 киши санаторийларда бўлди. 2 киши Испания ва Туркия, 370 киши Ўрта Осиё республикалари бўйлаб саёҳат қилди.

Бундан ташқари, меҳнаткашларга бошқа ғамхўрликлар ҳам кўрсатилмоқда. Боласини бир ярим ёшгача тарбиялаётган оналарга 260 минг сўм, бир ярим ёшдан олти ёшгача бўлган 5659 болага 716 минг 800 сўм, 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга 685 минг 120 сўм берилди. 1308 онага болалари учун 923 980 сўмлик кийим пули ҳам берилган. Боқувчисини йўқотган кишилар ва ногиронларга, кам даромадли оилаларга вақти-вақти билан моддий ёрдам кўрсатилиб турибди.

Жорий йилда дала меҳнатчилари, чорвадорлар, трактор парки ходимларига ва бошқа касб эгаларига бўлган ғамхўрлик тубдан яхшиланади. Чўлда, оғир шароитда ишлаётган чўпонлар, дағал хашак тайёрловчилар учун 30 фоиз қўшимча иш ҳақи тўланади. Трактор паркида ишловчи таъмирловчилар, чорвачилик фермасида ишловчи молбоқар ва бузоқбоқарлар йил бўйи бепул овқатланадилар. Бундан ташқари хўжаликда қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган ота-онаси йўқ ўқувчиларнинг ҳар бирига 100 сўмдан моддий ёрдам кўрсатиб турилибди.

Касаба уюшмаси қўмитаси олдида жуда катта вазифалар турганлигини яхши биламиз. Халқ талаб-истакларига сергак бўлиб, уларнинг ҳамма ташвишларига мудом шерик бўлаверамиз.

У. ЖЎРАЕВ,
Бухоро вилояти Ғиждувон районидаги Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

Мустафо Файзуллаев фермерлик қилиб кам бўлаётгани йўқ. Унга ўзи яшаётган Бухоро ноҳиясидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Қарамоғидаги молларга ем-хашак ўз вақтида етказиб берилаётир.

Суратда: Ўнгда фермер Мустафо Файзуллаев жамоа хўжалиги раиси Неъматжон Сайдаҳмедов билан.

Исмоил ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

ДАРДИ БОРГА ДАРДКАШМИЗ

Бухоро вилоятида сув хўжалиги иншоотларини қуриш, янги ерлар очиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, бетонли каналлар қуриш, уй-жой, мактаб, болалар боғчаси, касалхоналар қуриш каби ишларини олиб бораяпмиз.

Ўтган йили режадаги 33 миллион 260 минг сўм ўрнига 36 миллион 20 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Иккита мактаб ва болалар боғчаси қурилиб, яхши баҳолар билан топширилди. Бунда касаба уюшмаси аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди.

Амубухороканал қурилиш бошқармаси бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисобида 3150 аъзо бор. Касаба уюшмалари ҳамиша халқ билан ҳамнафас касаба уюшмаларининг 18 та бошланғич, 5 та цех ташкилотлари, 40 та касаба гуруҳи меҳнаткашларнинг фақатгина ҳуқуқини ёки манфаатини муҳофаза қилиб қолмай уларнинг шароитларини яхшилаш ва соғлиқларини сақлаш йўлида ҳам хизмат қилиб келмоқдалар.

9-автотранспорт корхонасининг касаба уюшмаси раиси З. Камолова, 6-ПМК касаба уюшмаси раиси И. Набиев, Қуйи мазор темир-бетон ишлаб чиқариш заводи касаба уюшмаси раиси Т. Жулакова ҳар бир ташкилот раҳбарлари билан келишган ҳолда меҳнаткашларга яқиндан кўмакдош бўлмоқдалар.

9-автотранспорт корхонасининг ҳамма автоколонналарида чойхона, дам олиш бурчаклари мунтазам ишлаб турибди. Слесарлар учун ташкилот ҳисобидан бепул овқат ташкил қилинган. Ёрдамчи хўжалик ҳисобидан бепул сут-қатиқ билан таъминланаяпти.

6-ПМК ишчи-хизматчиларига тушлик учун ҳар куни 10 сўмдан пул ажратилаяпти, ғалла, сабзавот, полиз маҳсулотлари арзон нархда сотилаяпти. Ёрдамчи хўжалик иши яхши йўлга қўйилган. Вақти-вақти билан ўз ишчи-хизматчиларини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаяпти.

4-ПМК маъмурияти ва касаба уюшмаси тузган шартномага асосан жамоа аъзолари ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан гўшт, асал ва полиз маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Ҳар кунига овқат учун 10 сўмдан, дам олишга (отпускага) борадиган пайтда эса 200 сўмдан ёрдам пули берилаяпти.

Қуйи мазор темир-бетон ишлаб чиқариш заводи раҳбарияти ва касаба уюшмаси ҳам келишган ҳолда шундай тадбирларни кўраяпти.

Амубухороканал қурилиш бошқармасига қарашли ҳамма ташкилотларга жамоа-шартномасига асосан сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитасидан юборилган санаторий йўлланмалари илғорларга бепул берилмоқда. Техника хавфсизлиги натижасида бахтсизлик ҳодисаси рўй берган тақдирда ҳар оила аъзосига минг сўмдан пул ажратиш ҳисобга олинган.

Бошқарма маъмурияти ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси меҳнаткашларга зарур шароитларни яратиб бериш, соғлиғини мустаҳкамлаш, ногиронларга ва кам даромадли оилаларга ёрдам беришдек савобли ишга ҳамиша эътибор билан қарайди.

Н. ТУРСУНОВ,
Амубухороканал қурилиш бошқармаси бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

ҚАНДАЙ ДАМ ОЛАЯПСИЗ?

Биз дала ва фермаларда фидойилик кўрсатаётган пахтакор ва чорвадорларнинг машаққатли иши, қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳақида кўпроқ гапирамиз, лекин уларга яратиб берилаётган меҳнат ва дам олиш шароитлари, оғир меҳнатдан кейинги ҳордиғи ҳақида сўзлашни баъзан эсдан чиқариб қўямиз. Ваҳоланки, бу соҳада ҳам кўп иш қилинаяпти.

Районимизда кейинги икки йил мобайнида оддий қишлоқ меҳнат аҳлига катта ғамхўрлик кўрсатилди. Республикамиз Президенти чиқарган Фармонларнинг ҳар бири меҳнаткаш қадрини тиклади. Деҳқон ўз ерининг, чорвадор эса ўз чорвасининг хўжайини бўлди. Оила пудрати ва фермер хўжаликларининг ташкил этилиши туфайли камбағал деҳқон даромади оша борди, қишлоқ меҳнаткашлари дилида келажакка умид куртаклари унди.

Ўтган йили районимизда 1700 гектарга яқин майдон қишлоқ меҳнаткашларига уй-жой қуриш, томорқа учун берилганлигининг ўзи катта ғамхўрлик бўлди. Агар 1990 йилда агросаноат комплекси ходимларини рағбатлантириш учун 967 минг сўм маблағ сарфлаган бўлсак 1991 йилда бу кўрсаткич қарийб 1200 минг сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш илғорлари учун 175 та йўлланма тарқатилди. Улар Сочи, Минвода, Луначарский, Чинобод, Чорток, Чимён, Моҳи Хоса, Шаҳрихон, «Гулшан» ва бошқа дам олиш гўшаларидан янги куч ва таассуротлар билан қайтишди. Шунингдек, беш кунлик муҳлат билан республика шаҳарлари бўйлаб 10 та группа саёҳатда бўлди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳримиз — Бухорога ҳам бир кунлик саёҳатлар ташкил этганимиз меҳнаткашларни хурсанд қилмоқда. 400 киши шундай сайр-саёҳатларда бўлди.

Собиқ Совет Иттифоқи шаҳарлари бўйлаб 16 киши туристик саёҳатда бўлиб, ҳордиқ чиқарди. Айниқса, Нариманов номли колхоз касаба уюшмаси қўмитаси пахтакор ва чорвадорларнинг кўнгилли истироҳатини таъминлашда алоҳида ибрат кўрсатди. Бу жамоа хўжалигида 30 нафарга яқин қишлоқ хўжалиги ходими истироҳатгоҳларда бўлди.

Нарх-наволар кескин кўтарилмоқда. Бу нарса ўз навбатида саёҳат йўлланмаларига ҳам таъсирини ўтказмасдан қўймаяпти. Аввалига 180 сўм, нари борса 200—240 сўм турадиган йўлланмаларнинг нархи эндиликда 3.000—6000 сўмга кўтарилди. Оддий меҳнат кишисининг бунга қурби етармикин? Наҳотки кам даромадли оила аъзоларининг ҳам дам олишга ҳақлари бўлмаса? Йўлланмалар баҳосининг осмондалиги қадоқ қўлли кишилар қалбиға қаттиқ ботаётир. Меҳнаткаш дардига малҳам топиш, оз бўлса-да, унинг истироҳати учун имконият излаш бизнинг бурчимиздир. Зеро, меҳнат кишисининг бардамлиги эртанги кунимиз унуми, баракаси десак янглишмаймиз.

Шавкат ЖУМАЕВ,
Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ромитан район қўмитасининг раиси.

ЎТГАН МАВСУМ САБОҚЛАРИ

Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида касаба уюшмалари нафақат меҳнаткашларнинг, балки уларнинг оила аъзолари, фарзандларини ҳам ўз ҳимоясига олмоқда. Мингга яқин дам олиш уйлари, спорт соғломлаштириш шаҳобчалари, санаторий туридаги меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари қишлоқ болаларига хизмат кўрсатяпти. Биргина ўтган йили оромгоҳларда 284,8 минг бола дам олди.

Соғломлаштириш мавсуми давомида болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳволи агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг диққат марказида бўлди. Қўмита томонидан болаларнинг дам олишларини ташкил этиш ва тайёргарлик кўриш бўйича тегишли норматив ҳужжатлар ўз вақтида вилоятларга етказиб турилди.

Жойларда оромгоҳларни таъмирлаш, уларни барча зарур асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар, техника воситалари билан таъминлаш ишлари олиб борилди. Бу борада вилоят касаба уюшма қўмиталари томонидан ҳам тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлаш ва таъмирлаш ишларига вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг ходимлари бириктириб қўйилди. Оромгоҳлар малакали кадрлар билан таъминланди ҳамда озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбири кўрилди.

Оромгоҳлар учун колхозчиларнинг марказлаштирилган социал суғурта фондидан 14,7 миллион сўм, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 3 миллион сўм, давлат социал суғурта фондидан эса 10 миллион 546,3 минг сўм сарфланди. Бироқ шунга қарамай болаларнинг ёзги дам олишлари ўтган йили кўнгилдагидек бўлмади. Болаларни соғломлаштиришга бўлган талаб ўсишига қарамай, оромгоҳларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга етарли миқдорда маблағ ажратилмаяпти, соғломлаштириш муассасаларини қуриш, уларни таъмирлаш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш режалари бажарилмаяпти. Ўз навбатида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва дам олишларини намунали ташкил этиш салбий таъсир кўрсатди. Йўлланмалар нархи, маҳсулотлар қийматининг ошиши, об-ҳавонинг мавсум бошида ноқулай келганлиги, шунингдек оромгоҳлар ўз вақтида мавсумга тайёрланмаганлиги оқибатида болаларни соғломлаштириш бўйича режа кўрсаткичлари бажарилмади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф қилиш ва янги мавсумга тайёргарлик борасида қилинадиган ишлар Агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсатида кўриб чиқилди.

Бу йилги мавсумда нарх-наво ошиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда колхозчиларнинг марказлаштирилган социал суғурта фондидан ўтган йилга нисбатан 3 баробар ортиқроқ маблағ сарф қилишга қарор қилинди. Албатта, бу борада касаба уюшмаси қўмиталари жойларда корхона, хўжалик органлари билан ҳамжиҳатликда ишлашлари мақсадга мувофиқдир.

Раёсатда оромгоҳлар раҳбарлари эътибори болаларнинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини тўла таъминлаш чора ва тадбирларини кўриш вазифасига қаратилди. Ана шу мақсадда оромгоҳларнинг барча ходимлари санитария-гигиена қоидаларига, болаларни транспортда ташиш пайтида, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказишда тартиб ва интизомни мустаҳкамлашлари лозим.

Шу билан бирга раёсатда Оролбўйи болаларининг бошқа вилоятлар оромгоҳларида дам олишларини ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

В. КОЧҚАРОВ,
Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раисининг ўринбосари.

ХИЗМАТ ЧАЛА, САВОБ КЕМТИК

Қайси даврада бўлманг, ҳамманинг оғзида битта гап — бозор иқтисоди. Ҳамма жойда меҳнат кишисини ижтимоий жиҳатдан яхшироқ ҳимоялаш йўллари қидирилаяпти. Ижтимоий ҳимоя деган тушунчаси кундалик турмушимизнинг барча томонларини қамраб олаяпти.

Бу соҳада муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, кейинги йилларда қишлоқларимизда ота-боболаримиздан қолган тегирмон ва мойжувозлар тикланаётгани кўпчиликни хушнуд этмоқда. Қисқа муддатда қишлоқларимизда 13 та тегирмон ва бир нечта мойжувоз қурилди.

Аҳолини, айниқса, хотин-қизларимизни иш билан таъминлашни яхшилаш мақсадида кичик саноат корхоналари очилаётгани ҳам эътиборга молик. Кейинги пайтда Ибн Сино номли, Ленин номли жамоа хўжаликларида атлас тўқиш цехи, Ислом шоир номли, «Ҳақиқат» хўжаликларида эса гилам тўқиш цехлари очилди. Бу кичик корхоналарнинг ҳар қайсисида ўртача 10—12 нафардан хотин-қиз меҳнат қилаяпти.

Кейинги пайтда район қўмитамиз раёсати йиғилишларидан бирида меҳнаткашларга маиший, савдо хизмати кўрсатишни, умумий овқатланиш шаҳобчалари фаолиятини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Чунки, бу тармоқларда муайян тартиб ўрнатмасдан туриб, меҳнат кишисини ижтимоий ҳимоя қилиш хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳозир қишлоқларимизда 11 та маиший, 111 та савдо ва 20 та умумий овқатланиш нуқталари ишлаб турибди. Бу 90 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган, 115 та қишлоққа эга бўлган йирик район учун кам, албатта. Райондаги Ойбек номли, Ҳамза номли хўжаликларда оддий сартарошхона, баъзи хўжаликларда майда ремонт устахоналари ҳам йўқ. Бу ғоят афсусли ҳолдир. Бир қанча хўжаликлар аҳолиси гўшт дўконлари йўқлигидан қийналмоқда. Айрим жамоаларда ошхоналар йўқ. Ошхоналар ишлаётган бўлса, чойхоналар ташкил этилмаган. Хизмат чала, савоб кемтик.

Хизмат соҳасига доир фикр-мулоҳазаларимизни халқ депутатлари район Кенгаши ва унинг ижроия қўмитаси раисларига ёзма равишда етказдик. Ўйлаймизки, қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялашга алоқадор бу муҳим масалалар ҳамкорликда ҳал этилади.

Инобат ШАРИПОВА,
Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Нарпай район қўмитаси раиси.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги механизаторлари маккажўхори дони экишни бошлаб юбордилар. Бу йил 480 гектар майдонга «қаҳрабо дон» экилади.

Суратларда: район деҳқончилик-саноат ишлаб чиқариш уюшмаси раиси ўринбосари Абсоат Раҳмонов, давлат хўжалиги бош агрономи Тошмурод Чоршанбиев ва бригада бошлиғи Абдурасул Худойбердиев экишнинг бориши ҳақида суҳбатлашмоқдалар. Пастда эса экиш ишлари акс эттирилган.

Сураткаш И. ХЎЖАЕВ (ЎзА)

ЧИТА БУХОРОГА ҚАЙТДИ

БУНДАН ўн беш йил муқаддам, Бухоро шаҳрига туташ Қизилқум этакларида махсус қўриқхона ташкил этилиб, унда йўқолиб бораётган Бухоро оҳуларини сақлаш ва кўпайтириш кўзда тутилганди.

Ўтган давр ичида оҳулар сони 30 марта ошди. Қўриқхона эса экологик марказга айлантирилди. Шарқ шоирларига илҳом бағишлаган бу оҳулар қаторига қўриқхона мутахассис-олимлари сайғоқ ва қулонларни ҳам кўпайтириш устида илмий тажрибалар олиб бормоқдалар. Ҳайвонот олами мувозанатини барқарорлаштириш мақсадида бу ерга кейинги пайтларда мутлоқ камайиб, йўқолиб кетган мушуксимонлар туркумига кирувчи чита (гепарт) болалари келтирилди. Хайрият-ки бу жонивор Москов ҳайвонот боғида бир нечтагина сақланиб қолган экан.

ЧАРАҚЛАГАН ҚУЁШ МИСОЛ

Агросаноат мажмуи ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси Наврўз айёми куни тармоқ меҳнаткашларини Тельман номли маданият ва истироҳат боғига таклиф этди. Ўша куни боғ шу соҳа вакилларининг измида бўлди. Ишлаб чиқариш илғорлари тақдирланди, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, миллий спорт мусобақалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўрик-сотуви уюштирилди. «Агроброксервис» фирмаси ва «Ўзагрокоопснаб» ташкилоти байрамни кўнгилли ўтказишда ҳомийлик қилдилар. Биз танталарда иштирок этган меҳмонларни суҳбатга тортдик.

Муҳаббат Худойқулова, «Туркистон» биржаси президенти: — Қуёш ҳам Наврўз байрамини томоша қилгани чиққанга ўхшайди. Қаранг, осмонимиз қанчалик тиниқ. Дарвоқе, биз мустақиллик осмони остида бу йил биринчи Наврўзни қалбларимиз қувончга тўлган ҳолда нишонламоқдамиз.

Бизнинг биржамиз эндигина иш бошламоқда. Яхши ният билан байрамга ҳомийлик қилдик. Асосий ишларимиз ҳали олдинда. Келажакда имкониятимизга қараб бошқа корхона ва ташкилотларга ҳам ҳомийлик қилиш ниятимиз бор. Бозор иқтисодиёти ташкилотларнинг бир-бирига ёрдами билан ривож топади. Кўмакдошлик — ўзбек халқининг азалий удумидир.

Зироат Хўжаева, Сергели районидаги бухгалтерия-ҳисоб техникуми ўқитувчи-методисти: — Наврўз тантанасига мен оилам билан келганман. Карнай-сурнай овозини эшитганимдаёқ юрагимда шундай бир жўшқинлик уйғондики, асти қўяверинг. Бўлаётган томошаларнинг қай бирини кўришга шошилай. Ҳаммаси бири-биридан мазмунли. Аввало ташкилотчиларга минг ташаккур. Қувончимга қувонч қўшилди. Касаба уюшмаси томонидан «Фахрий Ёрлиқ» билан тақдирландим. Фарзандларим ҳам хурсанд. Қаруселларнинг барчаси бепул хизмат кўрсатмоқда. Болажонларнинг шодлигини кўриб қувончимга яна қувонч қўшилаётир.

Абдужаббор Каримов, «Ўзмясомолспецавтотранс» касаба уюшмаси қўмитаси раиси: — Байрам тантаналарига ҳар ким ўз улушини қўшаётир. Корхонамиздаги ишчи-хизматчилар яхши меҳнат қилиш билан бирга Наврўз байрамида ҳам фаол иштирок этишмоқда. Айниқса «Шодиёна» бадиий ҳаваскорлик дастамиз иштирокчилари ўз маҳоратларини кўрсатишмоқда.

Атрофга боқамиз. Шахмат бўйича республиканинг уч карра чемпиони Рашид Зиёвутдинов бир вақтнинг ўзида 30 нафар шахматчи билан куч синашаяпти. Ўйинларда ғолиб чиққанлар учун 100 сўмдан пул мукофоти берилади.

Шу куни 20 дан зиёд ишчи Фахрий ёрлиқлар, 24 киши 50 сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

— «Наврўз» байрами биз кутгандан ҳам аъло даражада ўтди, — дейди Тошкент шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раиси Ноила Умарова. — Иштирокчилар юзидаги табассум бунинг исботидир. Табассум уларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Ҳомийларимизга ташаккур айтаман. Улар барча сарф-харажатлар учун 15 минг сўм пул ажратишди. Ёғ-мой комбинати, булка-қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, бадиий ҳаваскорлик дасталари бугунги шодиёнага ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

Эрталабдан бошланган байрам шодиёнаси то кечга қадар давом этди. Наврўз олам кезмоқда. Қадаминг қутлуғ бўлсин, баҳор чечаги.

Гулзода МАМБЕТОВА.

ДАСТУР МИЛЛИОН СЎМ ТЕЖАДИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитаси корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари билан биргаликда тармоқ меҳнаткашлари орасида хасталикнинг олдини олиш, касалликка чалиниш ҳолларини камайтириш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда.

Касалликка чалиниш сабабларини, меҳнат шароитларини, шунингдек меҳнаткашларнинг саломатлигига таъсир қилувчи бошқа омилларни ўрганиш асосида беш йилликка мўлжалланган «Саломатлик» дастури ишлаб чиқилди. Дастур тармоқ меҳнаткашлари турмушининг амалда барча томонларини қамраб олган. Касалликка чалинишнинг 15 фоиз камайганлиги «Саломатлик» дастури бажарилишининг асосий натижаси бўлди.

Дастурни бажариш давомида хўжаликлар маблағлари ҳисобидан 16 та қишлоқ тиббиёт амбулаторияси, 5 та қишлоқ-участка касалхонаси, 22 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 45 та болалар мактабгача тарбия муассасаси қурилди. Кўпгина хўжаликлар раҳбарлари ўз идора биноларини поликлиникалар ва болалар мактабгача тарбия муассасалари ихтиёрига бепул бердилар.

Кейинги 3 йил мобайнида касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ҳомиладор аёлларни «Фарҳод» санаторий-профилакторийсида соғломлаштириш ишини уюштиряпти, шунингдек чорвадорлар «Ташкентмясо» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли санаторий-профилакторийсида, заҳарли кимёвий моддалар билан ишловчи ходимлар «Октябрь Х йиллиги» санаторийсида ўз саломатликларини тиклаяптилар.

Болани парваришлаш учун ишдан вақтинча озод қилиш ҳоллари камайсин, болаларнинг касалланишига йўл қўйилмасин, деган мақсадда мактабгача тарбия муассасалари ходимларини корхоналар жамғармаси ҳисобидан моддий рағбатлантириш тадбирлари кенгроқ қўлланила бошланди. Корхоналарда, мавжуд соғлиқни сақлаш пунктларида жамоа ва давлат хўжаликларининг чорвачилик фермаларида тиббий профилакторийлар ташкил этилди. Бу ерда ходимлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволанмоқдалар.

Кўрилаётган тадбирлар иш қобилиятини вақтинча йўқотишга олиб келувчи касалликларга чалиниш ҳолларини бир йилда 8 фоиздан кўпроқ камайтириш имконини берди. Бу эса, 1 миллион сўмдан кўпроқ пул тежаб қолинди, деган гапдир.

САКАЕВА,
КУРТБЕКИРОВА,
ишонч билдирилган шифокорлар.

Учинчи суҳбат

ТОШКЕНТ вилояти Қибрай районидаги Яланғоч қишлоғига етиб борганимда аллақачон кун ёришиб кетган эди. Қишлоқ кўчалари бир-биридан озода. Ана, рўпарамда новвойхона. Офтобда пишган деҳқон юзидай қип-қизил нонларнинг иштаҳани қитиқловчи бўйи кишини маст қилгудек. Кўча бўйларида ортиқча бир чўпни кўрмайсиз. Бу ҳам астойдил тарбия маҳсули бўлса не ажаб. Ахир болани ёшлигидаёқ «кўчага ахлат ташлама» деб ўргатилса, бу шубҳасиз одат тусига киради...

Яланғочда истиқомат қилувчиларга дилимдан офаринлар айтиб, лимонзорнинг «штаб» деб аталган жойига борар эканман, уч йўловчини учратдим. Гарчи етти ёт бегона бўлишса ҳам мулозамат билан саломлашиб ўтишади. Бу ернинг қарияларига раҳмат! Одоб ва адабни болаликдан ўргатишгани сезилиб турибди.

Зайниддин акани бу гал идора олдидаги майдонда, лимонзор ишчилари даврасида учратдим. Суҳбатлари тугагунча нарироқда турдим. Ишчи йигитлар иш-ишларига тарқаб кетгандан сўнг менга юзландилар.

— Келдингизми, домла! Ҳаяллаб кетдингиз?

— Бироз даволаниб чиқдим!

— Саволни қатор қилиб келгандирсиз бўлмаса.

— Бир-иккита бор!— дедим жилмайган бўлиб.

— Қани-қани?

— Лимончиликда сизга мадад берган киши ким?

— Туроб ака деган элда эъзозли, республикада обрўли бўлган раисимиз. У киши менга қаратилган кўп балоларга қалқон бўлиб, йўл очиб бергандилар.

— Карика-папая нима?

— Шифобахш ўсимлик. Мевасидан папарин деган укол дориси қилинади.

Женшенга ўхшаган қувватбахш дори.

— Лимон ҳам асалари билан чанглатиладими?

— Аввалари синаб кўрилган. Лекин асаларилар ўзини ойнага уриб қурбон қилган. Натижа самарасиз бўлган. Ҳозир лимон дарахтлари орасига бақувват яланғоч нави экилади. Ўша нав чанглатади.

— Қайси навларни, ё қайси дарахт турини лимон билан чатиштирганда шу нав пайдо бўлди?

— Янги Грузия нави: Янги Афон билан Греция лимонини чатиштириш йўли билан яланғоч нави келиб чиқди. Асосан тўрт хил нав бор. Синовдан ўтган. «Ф-1 Тошкент», «Ф-2 Юбилей» деганлари шулар жумласига киради. Ҳозир улар 246 та хўжаликда экилмоқда. Осиё лимони ҳисобланган «Мир» навли навдан ҳам ҳосил олиб келинмоқда.

— Қайси ойда гуллайди? Қайси ойда ҳосил етилади?

— Декабрда, январда гуллайди. Сентябрда пишади. Яланғоч навли лимон узлуксиз мева бераверади.

— Бир туп лимон дарахтида тахминан неча кило ҳосил бўлади?

— Бир тупда, агар яхши ишланса, 60 ё 70 килогача мева олса бўлади.

— Лимон дарахтларининг келажаги қалай? Неча йилда ҳосили камайиб, айний бошлайди?

— Тахминан эллик йилгача ҳосил беради.

— Кўчат масаласи-чи? Кўчат қандай олинади?

Фахриддин ота ҳамкасблари билан. Суратқаш Н. МУХАММАДЖОНОВ.

— Ҳосилли навдадан қаламча қилинади. Келгуси йилига ҳосил бераверади.

— Ўша совуқ тушган йили, қайси йил эди, шу ҳақда айтиб беринг?

— 1984 йил эди. 2 декабрдан 31 декабргача қор туриб қолди. Совуқ 15—20 даража. Устига устак Муборак шаҳрида газ қувури ёрилиб кетибди. Газ келмай қолди. Қипиқ тутатиб, тутун ҳосил қилиб, иссиқхоналарни тутунга тўлдириб яшадик. Тутун булутга ўхшаб совуқни тутиб қолади. Ўшанда меваларни-ку асраб қолдик. Лекин ўзим заҳлаб қолганман. Асорати ҳали-ҳали азоб бериб туради...

— Серфарзанд одамсиз. Олти ўғил, тўрт қизмиди, янглишмасам. Улардан қайбирлари сиз билан лимонзорда ишлашади?

— Ёвмиддин — шу хўжаликка бош-қош. Шамсиддин, Арофиддин, Муҳаммад Азиз ҳам олти гектардан ерга бош.

Нуриддин ўғлим худди шу лимончиликдан илм қиляпти. Ҳадемай фан номзоди бўлади. Иши тайёр бўлиб қолди. Лимондан ташқари «Ўзбекистон» навли мандарин яратяпмиз. Энди «Лаззат» шифобахш ичимлик цехини ҳам ўзимизда қурсак, деймиз. Лимон шарбатини ўзимизда олсак, фойдаси ўзимизда қолади... Янги-янги навлар бор. Улар тасдиқдан ўтса, улар ҳақда бафуржа суҳбатлашармиз...

— Грузиядан ҳеч ким келдими, лимонларингизни кўргани?

— Гололашвили деган ҳов ўша йилларда кўчат олиб келган киши келган эди. У мени танимасди. Энди танишдик. Хурсанд бўлиб кетди. Ҳозир у Гуржистонда қишлоқ хўжалиги институтида профессор экан...

— Энди Зайниддин ака, 1991 йилда лимондан олинган даромад ҳақида гапирсангиз.

— Лимонзорда беш юздан ортиқ одам ишлайди. 1991 йилда 1300 тонна лимон оламиз, деб режалаштирган эдик. 1600 тонна олинди. Соф фойда икки миллион сўм бўлди. Даромаддан бу йил болаларга янги боғча ва қишлоқда поликлиника қурмоқчимиз...

— Яшанг ота!— дегим келди-ю, лекин мамнуниятимни табассум билан ифода эта қолдим. Чунки Зайниддин ота мақтовни ёқтирмасликларини биринчи суҳбатдаёқ сезган эдим. Ўшанда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг фахрий академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, халқ селексионери каби шарафли унвонларга эга эканликларини айтмадилар. Ҳозирда Зайниддин Ҳожи ота Фахриддинов Ўзбекистон Республикаси шахсий нафақахўридир...

Халқ фаровонлиги йўлида жафо чеқаётган бундай олийҳиммат инсонлар халқимиз қалбида мангу яшаб қолишига ишонаман.

САЙЁР

ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Ернинг Шимолий ярим шарида баҳор фасли кун ва тун тенглигидан (20—21 март кунлари) ёзги қуёш турғунлигигача, яъни кундузи энг узоқ, кечаси энг қисқа бўлган вақтгача (21—22 июнь кунлари) давом этади. Қадим даврлардан бери Ўрта Осиё ва Якин Шарқ халқлари ана шу кун ва тун тенглашган, яъни 21 мартдан 22 мартга ўтар кунни Наврўз — Янги кун (Янги йил) ҳисоблаб, уни қувонч билан қарши олганлар, тантанали нишонлаганлар. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Наврўз асрлар давомида одамларда она-Ерга ва табиатга меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат ва саховат кўрсатиш, ардоқлаш ва эъзозлаш туйғуларини тарбиялаган. Байрам кунларида урушлар тўхтатилган, жанжаллар, гина-кудуратлар унутилган, тинч ва яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилган.

Одамлар Наврўз тантаналарига азалдан бир неча кун илгари тайёргарлик кўрганлар. Қадимий одатга кўра, бугдой ёки арпа ундириб қўйиб сумалак пиширганлар. Наврўзга бағишлаб сайиллар, маросимлар уюштирилган. Наврўз кирадиган тунда кексалар, ёшлар, болалар кечаси билан ухламасдан эртак ва ҳикоялар, шеър ва қўшиклар айтишиб, ўйин-кулги билан байрамни кутиб олишган. Байрам куни тоза ва янги либослар кийишган, болаларга байрам суюнчилари улашишган, кексалар, бемор ва хасталарни бориб кўришган. «Улоқ», «Кураш», «От чопар», «Қиз қувди» сингари ўйинлар уюштирилган.

Анъанага кўра, Наврўз байрами бир неча кун давом этган. Абў Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида таъкидлашича, Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунича, ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича, ҳайвонларда насл уйғонгунича давом этган.

Наврўз кунларида Сумалак сайли, Лола сайли, Хотира куни, «Биринчи пушта», «Биринчи экиш», «Дон, майса ва сув куни», «Табиатга саховат кўрсатиш» ойлиги, болаларнинг «Бойчечак» байрамлари ўтказилмоқда. Ҳашар билан ариқ ва зовурлар тозаланмоқда, ниҳоллар ўтказилмоқда, йўллар, хиёбонлар ва кабристонлар тартибга келтирилмоқда, мажруҳ ва ночор кишиларнинг уйлари, чойхоналар таъмирланмоқда.

Наврўз — гўзаллик байрами! Байрам кунлари театрлашган томошалар, дорбозлар, қизиқчи-масхарабозлар, аскиячилар, музика-назм ва фольклор ансамбллари ва бошқа ҳаваскорлик ижодиёти коллективлари, артистлар, шоир ва ёзувчиларнинг чиқишлари, мушоиралар, китоб, тасвирий санъат, халқ амалий санъати асарлари кўргазмалари, халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси уюштирилмоқда.

«Кўпкари-улоқ», «Қиз қувди», «Човгон», «Кураш», «Арқон тортиш», футбол, шахмат ва шашка бўйича, болаларнинг «Оқ терак-ми, кўк терак?» «Варрак учиришда ким ўзар», «Югуришда ким илдам», «Чиллик отиш», «Зувиллатар» каби спорт ўйинлари ва мусобақалари бўлаяпти.

Гулом ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

ТАЙЁРЛОВЧИЛАР:

Турсун Қўшаев, Камолжон Шодиметов, Босит Акбаров, Алишер Ҳакимов, Сайёр Файзуллаев.

1

БУ ЧАРХПАЛАК ДУНЁ

ПЕТР I ЮЛИЙ ЦЕЗАРНИНГ ЭГИЗИ БЎЛГАНМИ?

● **КИМЁВИЙ** ҳимоя ҳарбий академиясининг ходими С. Чудаков билан унинг рафиқаси математик Н. Чудакова замонлар чархфалакдек айланиб туришини текшириб, ажойиб қонунларни аниқладилар:

Одамзот тарихида ўхшаш воқеалар-гина эмас, балки тақдирлари икки томчи сувдек бир-бирига монанд «эгиз» одамлар ҳам жуда кўп бўлган экан.

Масалан, Рим императори Юлий Цезарь билан Россия подшоси Петр I ни олиб кўрайлик. Цезарь Рим саркардалари орасида биринчи бўлиб умрбод «император» номига муяссар бўлган эди. Сенат Петр I га «император» унвонини берди... Цезарь мелоддан илгари 46 йилда қуёш календарини ислоҳ қилди ва Юлий календарини жорий этиб, 1 январни ҳар янги йилнинг бошланиши қилиб тайинлади. Петр I 1699 йил 15 декабрдаги фармони билан қуёш календарлари-

2

ни ислоҳ қилди: 1670 йил 1 январдан Юлий календарини жорий этди,.. Цезарь уруш ва жанг олиб бориш хусусидаги фикрларини «Галль уруши ҳақида лавҳалар» ва «Фуқаролар уруши ҳақидаги лавҳалар» китобларида баён қилиб берди. Петр I ўз фикрларини «Жанг қоидалари», «Жангга тайёргарлик» ва шу сингари асарларида баён қилди... Цезарь ўз армиясида штаб тузиб, муҳандислар бошлиғи лавозимини жорий этди. Петр I эса Бош штаб, рус армиясининг йўл ва муҳандислик қўшинларини тузди... Бундан майда-чуйда такрорланишлар жуда кўп.

Петр I ва Цезарь — ўз даврларининг беқиёс давлат ва сиёсий арбоблари, истеъдодли саркарда ва флот бошлиғи, маъмур, ислоҳотчи, дипломат, нотиқ бўлишган. Уларнинг ҳаётида бир-бирига ўхшаш фаолиятлар ва воқеалар жуда кўп бўлган. Хусусан, уларнинг ҳар бири ўз давлатларининг шимоли-ғарбий чегараларини анча кенгайтиришган...

Биз Рим ва Россия империяларидаги тарихий шахсларни бошқалардан ажратиб қиёслаганимиз учун баъзилар: буларнинг ҳаммаси фавқулодда ўхшашликлар, тарихда бундан ҳам ажойиб воқеалар бўлган, шу сабабли сиз келтирган мисол ҳеч нарсани исботламайди ва ҳоказо, деган эътироз билдиришлари мумкин. Гапимизга ишонмаган газетхонларни Корнелий Тацит билан А. С. Пушкин, Федр билан И. А. Крилов, Траян Марк Ульпий билан Александр I, Нерон билан Павел I, Кичик Агреппина билан Екатерина II, Агриппа Поступ билан Петр III, Сохта Агриппа билан Е. И. Пугачев сингари «эгиз» ҳаётларида қилган ишлари, шахсий муносабатларига, воқеалар, ғоялар, ихтироларга таяниб, ўзларича хулоса чиқаришга таклиф қиламиз... Хўш, бу барча «эгизларни» бирлаштирадиган жиҳатлар нималардан иборат? Умумий жиҳат — улар яшаган давр оралиғида ўн етти асрни ташкил қилади ва улар билан бевосита боғлиқ шахсий фаолият ёки воқеалар оралиғи худди шунча вақтга тенгдир. Чархфалак дунё айни шу бир минг етти юз ичида бир айланиб чиқадиганга ўхшайди.

Биз вақтни қандай ўлчаймиз? Соат, бир кеча-кундан, ҳафта ва шу сингарилар билан ўлчаймиз... Инсон ўртача умри — 70 йилни шартли равишда «бир соат» деб олсак, биз юқорида айтган чархфалакнинг бир айланиб чиқиши ўн етти асрга, аниқроғи 1680 йилга тўғри келади. Айни шунча даврдан кейин «эгизлар» дунёга келишади, уларнинг ҳаётида бир-бирига ўхшаш воқеалар рўй

3

беради.

Вақтнинг навбатдаги ўлчови ҳафта. 1680 рақамини 7 рақамига кўпайтирсак, 11.760 йил чиқади. Бунда биз яна бир ажойиб қиёслашга дуч келамиз.

Фридрих Энгельс ҳар қандай маданий даврнинг умри 10 минг йилдан ошмайди, деган эди. Гераклит ҳамма нарса 10.800 йил давомида ўзгариб боради, шундан кейин эса ҳамма нарса бошидан бошланади, деб ҳисоблар эди. Қадимий мисрликлар, ассирияликлар, майя қабиласининг календарлари ерда юз берган энг катта ҳалокат бундан 11542 йил мукаддам рўй берган деб ҳисоблаб, ўз тарихий саналарини ўшандан бошлашади. Зардўштлар буларнинг ҳамма воқеалар ҳар 12 минг йилдан кейин такрорланади, деб ҳисоблардилар...

Энди замон чархфалагидаги ҳафталик такрорланишларни ҳисоблаб чиқиш мумкинми? Бунинг ҳам имкони борга ўхшайди.

Мелоддан илгариги тахминан 570 йилда Солон Мисрга саёҳатга борганида, Нейт санамининг коҳинлари ўша пайтдан 9 минг йил илгари Атлантида Мисрга ва Афинага карши урушганлигини айтишган эди.

Атлантида, кейинчалик Афлотуннинг ёзишича, «бутун ер юзини бир зарб билан бўйсундирмоқчи бўлган эди» зотан, «даҳшатли зилзила бўлиб, ер юзини сув босди ва бир кеча-кундузда... эллинларнинг барча аскарлари ер билан яксон бўлди...» Тарихчилардан кўпгина кишилар ва урушнинг баёни ядро қуролидан фойдаланган ҳолда олиб борилган ҳарбий ҳаракатларга жуда ўхшаб кетади, деб таъкидлашди. Шундай бўлиши ҳам мумкинку ахир.

Бизнинг давримизда атом асри қачон бошланди? Дастлабки атом бомбалари Япония шаҳарларига ташланган 1945 йилдан бошланди. Ана шу даврдан бир «ҳафта»ни 11760 йилни олиб ташлайлик. Мелоддан илгари 9815 йил ҳосил бўлади — Миср коҳинлари тилга олган воқеа айни шу пайтга тўғри келади.

Хўш, бундан қандай хулоса келиб чиқади? Мулоҳазалар тўғри бўлса, ҳар бир маданий давр ўз ривожланишининг муайян босқичида атом асрига қадам қўяди... Қадимий замонлардаги воқеалардан келиб чиқиб, келгусини муайян даражада тўғри башорат қилиш мумкинми? Одамзот тарихидаги такрорланишлар рўй берган даврларни билиб олган эканмиз, энди бундан 100 йил кейин, 1000 йил кейин қандай ҳодиса рўй беришини ҳисоблаб чиқиш унча қийин эмас. Бу ҳақда бошқа мақоламизда сўз юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Саёҳат ва экскурсиялар кенгаши сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг янги турларини

ТУРИСТ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сиз ўз саломатлигингизни мустаҳкамлашни, асабларингизга дам беришни, яшаришни, оламни ўзгача ҳис этишни истайсизми?

Балки Сизни экстрасенслик қобилиятини қандай ривожлантириш, Коинот сирларидан баҳраманд бўлиш масалалари қизиқтирар?

Агар шундай бўлса, **«Чимён»** сайёҳлар комплексига ташриф буюринг.

Меҳнатни муҳофаза этиш мутахассисларининг Москвадаги регионал уюшмасига қарашли «Альфиола» табобат-маърифий маркази **«Чимён»**да қуйидаги хизматларни таклиф этади:

1. Қуйидаги касалликлар бўйича кишилар ёппасига ва якка тартибда даволанади:

Бош оғриғининг турли кўринишлари.

Кўзнинг хиралашиши, сўзлаш ва эшитиш қобилиятларининг сусайиши.

Тиш табиий қопламасининг нураши.

Касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятининг заифлашиши

Асаб касалликлари.

Юрак-қон томир касалликлари.

Овқатни ҳазм қилувчи аъзолардаги касалликлар.

Ўпка касалликлари. Аллергия.

Урологик, гинекологик касалликлар. Наслсизлик.

Ўт пуфакда ва буйракда тош пайдо бўлиши.

Қон касалликлари. Тери касалликлари.

Модда алмашиниш жараёнларининг бузилиши.

Хилма-хил шишлар. Чурра тушиши.

Таянч-ҳаракат тизими касалликлари.

2. Мануал терапия.

3. Уқалаш.

4. Кўз тегиш ва бошқалардан асраш.

5. Қашандалик ва ичкиликбозликдан қайтариш.

6. Тана ва руҳий ҳолатни бошқариш ҳамда кишидаги шахсий ижодий қобилиятларни юзага чиқариш усулларини ёппасига ўргатиш.

7. Ҳар бир кишидан юқори малакали экстрасенс тайёрлаш имконини берувчи дастур асосида хоҳловчиларни ўқитиш. Ўқитишнинг бу бетакрор усули 100 фоиз натижа беради, чунки у Коинот биоритмлари билан шахсий уйғунлашиш қонунига асосланган.

Чимёнга марҳамат!

«СТРОЙИНТЕХ»



қурилиш-илмий-ишлаб чиқариш кичик давлат корхонаси

ДАВЛАТГА ҚАРАШЛИ ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРГА, КОНЦЕРНЛАРГА, УЮШМАЛАР ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРГА, ХУСУСИЙ ШАХСЛАРГА БОЗОР НАРХЛАРИДАН АРЗОНРОҚ БАҲОДА АВТОТРАНСПОРТ СОТИБ ОЛИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ЎМАКЛАШАДИ, ШУНИНГДЕК ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТАДИ.

АЛОҚА УЧУН ТЕЛЕФОН: 44-02-81

Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Социал таъминот вазири Санобар ХЎЖАЕВА жавоб беради.

***САВОЛ:** Вафот қилган эрим учун болаларимга пенсия оламан. Январь ойида 4 болам учун 700 сўм олдим, шу тўғрими?*

Ж. Тўраева,
Тошкент вилояти, Оҳангарон.

ЖАВОБ: 1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг пенсиянинг энг кам миқдорларини ошириш бўйича Фармонни тадбиқ қилиниши муносабати билан боқувчисини йўқотганлик пенсиясининг миқдори ҳар бир оила аъзоси учун 175 сўмдан кам бўлмаган миқдорда тўланади. Шунинг учун сиз олаётган пенсия тўғри тўланмоқда.

***САВОЛ:** Мен 1940 йилда туғилганман. 11 фарзандни вояга етказдим. Меҳнат стажим 10 йил. «Қаҳрамон она» сифатида ҳозир пенсияга чиқсам бўладими?*

Б. Шерқулова,
Сирдарё вилояти.
Ш. Тошназарова,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон райони.

ЖАВОБ: Беш ва ундан ортиқ болани туғиб уларни 8 ёшгача тарбиялаган кўп болали оналарга қарилик пенсияси 50 ёшдан тайинланади. Бунда улар 15 йил иш стажига эга бўлишлари керак. Агар она-болани парвариш қилиш билан банд бўлган бўлса, шу давр (умумий ҳисобда 6 йил) иш стажига қўшилган тақдирда, она 20 йил стажга эга бўлиши керак.

Талаб қилинган иш стажи тўлиқ бўлмаган ҳолларда кўп болали оналарга бор стажи бўйича тўлиқсиз пенсия 55 ёшдан тайинланади.

Сиз тўлиқ стажга эга эмассиз, шу сабабли пенсияга 55 ёшга етганда мурожаат қилишингиз мумкин.

***САВОЛ:** Мен ишламайман, 1 ярим ёшдан 7 ёшгача бўлган 4 та фарзандим бор. Турмуш ўртоғим мавсумий ишларда ишлар эди. Болалар учун нафақани қаердан олишим керак?*

Ш. Азимова,
Жиззах вилояти,
Зарбдор райони.

ЖАВОБ: — Сизга болаларингиз учун нафақалар социал таъминот бўлими орқали тайинланиши керак. Бунинг учун сиз қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишингиз керак: ариза, болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан нусха, йиллик даромад ҳақида маълумотнома, яшаш жойидан ишламаганлик ҳақида ва болалар қайд қилинган маълумотнома.

Кўрсатилган ҳужжатларга асосан Сизга болаларнинг ёшига нисбатан турли, яъни ойлик ва ҳар кварталда кийим-бош учун бериладиган нафақалар тайинланади.

***САВОЛ:** — Ёшим 16 да, болаликдан ногиронман. Бир оёгим иккинчисидан 5—6 см. калта ва орқа умуртқам ёй шаклида, урчиғим косасидан чиқиб кетган. Шунинг учун менга III-группа берилди. Шу тўғрими?*

Ш. Қаршибоева,
Жиззах вилояти,
Фориш райони.

ЖАВОБ: Ногиронлик тоифасини белгилашда тасдиқланган касалликлар рўйхатлари қўлланилади. Ушбу рўйхатларга асосан сизга учинчи тоифа тўғри белгиланган.

Агар сиз бу хулосадан норози бўлсангиз, Тошкентдаги ЎзНИИЭВТИН клиникасида кўрикдан ўтишингиз мумкин.

Клиникага йўлланмани вилоят социал таъминот бошқармаси орқали олишингиз мумкин.

***САВОЛ:** Нима сабабдан кўп йиллар меҳнат қилганлар ҳам, оз меҳнат қилганлар қатори бир хил пенсия олишадиган бўлди?*

Ч. Ёқубов, Ж. Тўрақулов,
Сурхондарё вилояти.
Т. Мўминов,
Тошкент.

ЖАВОБ: Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 28-декабрдаги Фармонига мувофиқ барча қарилик, кўп йиллик хизмати ёки II-тоифа ногиронлик пенсияларнинг миқдори 350 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Лекин бу вақтгача бўлган иш ҳақларининг миқдорлари паст бўлганлиги туфайли улардан ҳисоблаб чиқилган пенсия барибир аксарият ҳолларда 350 сўмдан ошмайди (меҳнат стажи кўп бўлган тақдирда ҳам). Шунинг учун барча пенсиялар миқдори тенг бўлиб қолган.

Ҳозирги вақтда республиканинг пенсия қонуни лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

***САВОЛ:** Мен 2-тоифа ногиронман. Иккита болам учун 65 сўмдан товон пули олар эдим, лекин у октябрь ойидан тўланди. Кийим-кечак учун тўланадиган нафақани умуман олмадим, шу тўғрими?*

Ҳ. Диёрова,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи райони.
Ҳ. Мирзаев,
Самарқанд вилояти.

ЖАВОБ: Агар сиз ишламасангиз болаларингиз учун товон пули жорий қилинган вақтдан, яъни 1991 йил 1 апрелдан тўланиши лозим эди. Болаларнинг отаси ишласа — иш жойидан, ишламаса район социал таъминоти орқали ҳар кварталда бир маротабадан болалар кийими учун нафақа тўланиши керак, бу нафақанинг миқдори боланинг ёшига боғлиқ.

Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчиман, шу йилдан бошлаб пенсионерларнинг фарзандларига пенсия устига бериладиган қўшимча ҳар битта бола учун 175 сўмни ташкил қилади ва бу миқдорга товон пули ҳам қўшилган.

***САВОЛ:** Менинг ҳужжатларимда туғилган йилим нотўғри кўрсатилганлиги сабабли пенсияга чиқа олмаяпман. Нима қилишим керак?*

Тўрақул АБДИЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Нишон райони.

ЖАВОБ: Ёшни исботловчи асосий ҳужжат паспорт ҳисобланади. Агар барча ҳужжатларда ёшни белгиловчи маълумотлар бирбирига зид равишда ёзилган бўлса ва ҳақиқий туғилган йилни исботловчи ҳужжатлар йўқ бўлса, яшаш жойидаги райиҳроқўмнинг ёшни белгилаш комиссиясига мурожаат қилиш керак.

Комиссия хулосасига кўра ёшингиз, туғилган йилингиз бошқа деб белгиланса ушбу қарорга асосан ҳужжатларингизни (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва паспортни) алмаштирасиз.

***САВОЛ:** 10 фарзандим бор, ёшим 42 да. Иш стажим 20 йил. Лекин ҳозирги вақтда касаллигим туфайли ишламайман. Пенсияга чиқсам бўладими?*

Ш. Ҳожиева,
Жиззах вилояти,
Октябрь райони.

ЖАВОБ: Кўп болали она сифатида сизга пенсия 50 ёшдан тайинланади. Кўп касал бўлаётган бўлсангиз тиббий-меҳнат экспертиза ҳайъатининг кўригидан ўтинг. Агар улар сизга ногиронлик тоифасини белгиласа, нафақа тайинланиши мумкин.

Кўрикдан ўтишни аввал яшаб турган жойингиздаги поликлиникадан бошлашингиз керак.

***САВОЛ:** Мен турмушга чиққанимда эримнинг олдинги турмушидан 6 фарзанди бор эди. Кейинчалик уч фарзанд кўрдим. Ҳамма болаларни ҳисобга олиб, менга имтиёзли пенсия тайинлаш мумкинми?*

Т. Тўраева,
Андижон вилояти,
Балиқчи райони.

ЖАВОБ: Кўп болали оналарга қарилик пенсияси имтиёзли равишда тайинланганда фарзандликка олинган болалар ўз болалари сингари ҳисобга олинади. Бунда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

— Агар пенсия тайинлашда ҳисобга олинадиган болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида пенсияга мурожаат этган аёл боланинг онаси деб кўрсатилган бўлса, бу ҳол инобатга олинади;

— Агар болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларида пенсияга мурожаат этган аёл она сифатида ёзилмаган бўлса, бироқ унга уларни фарзандликка олингани ҳақида ҳужжатлар берилган бўлса, у ҳолда пенсия тайинлашда бу болалар уларнинг ҳар бири саккиз ёшгача фарзандликка олинган ҳолларгагина ҳисобга олинади.

***САВОЛ:** Мен Улуғ Ватан уруши қатнашчисиман, қарилик пенсиясини оламан. 1992 йилгача 315 сўм олиб келдим. Пенсиям миқдори ошадими?*

М. Шодиев,
Самарқанд вилояти,
Жомбой райони.
Н. Мамажонов,
Наманган вилояти.

ЖАВОБ: Сизга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси сифатида Ўзбекистон Президентининг Фармонига асосан пенсия миқдори 437 сўм 50 тийингача оширилган. Янги миқдордаги пенсиялар 1992 йил январь ойидан тўланиб келмоқда.

***САВОЛ:** Мен қарилик пенсиясини оламан. Эрим II-гуруҳ ногирони. Мактабда ўқийдиган фарзандимиз бор, улар учун қўшимча бериладими?*

Б. Холбоев,
Самарқанд вилояти,
Пахтачи райони.
К. Резбонова,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун райони.

ЖАВОБ: Агар нафақа олувчининг қарамоғида вояга етмаган, меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари бўлса, улар учун 175 сўм қўшимча берилади. Бу қўшимча фақат отанинг ёки онанинг нафақасига қўшиб берилади.

Демак, Сизга ҳам (ишламасангиз) фарзандингиз учун қўшимча берилади ва у болангиз 18 ёшга тўлгунга қадар, агар ўқишни давом эттирса, 23 ёшгача тўланади.

Хотира ҳукми

ҚАЛБ ТЎРИДА

ДОНОЛАР инсон умрини дарёга қиёс қиладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Садоқат ва эътиқод билан мазмунли ўтган умр ҳаётни дарё каби мавжлантиради ва бу дарё ўз йўлида одамларга эзгулик улашади.

Хадича Раимовна Мусахонованинг умри ана шундай гўзал ва эзгуликка бой эди. Мен бу аёл билан икки ярим йилгина бирга ишлаш шарафига муяссар бўлганман, аммо ўша қисқа вақт мазмуни ва миқёси билан бутун талабчанликни, мустақил фикрлашни, ҳар қандай вазиятда ҳам фақат ҳақиқатни айтишни, адолатсизликка муросасизликни, диёнатга хиёнат этмасликни, ҳаётга муҳаббат ва садоқатни ўргандим.

Хадича опа қаерда ишламасин, хулқ-атвори, фазилатлари билан жамоада ижодий муҳит, соғлом маънавий вазият ярата олган сиёсий етук ва маънавий бой, одамларга меҳрибон, ишнинг кўзини биладиган ажойиб ташкилотчи раҳбар эди.

Ҳа, ҳамма нарса ҳам қиёслашда ўзлигини намоён этар экан, опадан кейин не-не раҳбарлар билан ишлашга, хизмат тақозоси билан жумҳуриятимизнинг кўзга кўринган раҳбар аёллари билан мулоқотда бўлишга тўғри келди, аммо Хадича опадай раҳбар аёлни учрата олганимча йўқ ҳали.

Ўз пайтида В. И. Ленин мемориал музейининг Тошкентдаги филиали энг азиз даргоҳлардан бири эди.

Жамоамиз эндигина иш бошлаган паллалар, ҳар биримиз учун унутилмас дамлар, айтиш мумкин-ки жамоанинг олтин даврлари бўлган эди. Яхши эсимда, музей очилган дастлабки пайтлар бирорта ҳам дам олиш кунлари бўлмаган. Дам олиш кунлари ҳеч кимнинг ишга чиқиши талаб қилинмайди. Бу кунларга ҳақ тўланмас эди. Лекин биз Хадича опанинг сўзларини ҳеч қачон икки қила олмаганмиз. Қаерда Хадича опа бўлса, ўша ерда қувноқлик ва яхши кайфият ҳамроҳ, иш эса унумли бўларди.

Хадича опанинг кадр танлашда ўзига хос услуби бўлиб, ишга келганлар хоҳ йўлланма билан келсинлар, хоҳ ўз ишининг ажойиб усталари бўлсинлар, бундан қатъий назар ишга қабул қилинганларга икки ойлик синов муддати берарди. Бу муддат ичида янги ходимнинг сиёсий савияси, ишчанлик фазилатларию маънавий хислатлари, уюшқоқлиги-ю интизоми синовдан ўтарди. Бу синов муҳлатини ўтай олмай қайтиб кетганлар ҳам кўп бўлган.

«Инсон — деяр эди опа — ўз хотирасини янги билимлар билан бойитиб бормаса, ҳеч қачон ўз ақлини ривожлантира олмайди. Сизлар эса доимо омма билан мулоқотда бўласиз. Бугунги кундаги одамларимиз саводли, билимли, сиёсий савияси кенг одамлар. Улар ҳамма нарсани биладилар. Радио, телевизор, газета ва журналлар уларнинг кундалик ҳамроҳи. Шунинг учун ҳам улар олдида қизариб қолмаслигингиз учун доимо ўқишингиз, изланишингиз, кундалик воқеаларни муфассал билишингиз, фақат билишгина эмас, балки идрок этиб, муҳокама қила олишингиз зарур. Ташқи кўринишингиз, юриш-туришингиз, одамларга муомилангиз ҳам бу даргоҳга мос бўлиши керак. Шуни унутманглар-ки, одамлар сизнинг муомалангиздан, билимингиздан жамоа ишини баҳолайди».

Опа билан бирга ишлаган кишилар, у ҳамма ходимларнинг исми-фамилиясини, оилавий шароитларини билишини, уларнинг эҳтиёжларидан хабардор эканлигидан ҳайрон қолардилар. Хадича опа айниқса қўл остидаги кишиларга нисбатан жуда меҳрибон эди. Хадича опанинг меҳрибонлиги, ғамхўрлиги туфайли менинг онам ҳам ҳаётга қайтган, оғир касалдан соғайиб кетган эди.

Ўшанда ишга келганимга йил ҳам тўлмаган эди. Мени йўлакда руҳим тушган ҳолда учратган Хадича опа: «Нима гап, тинчликми, қизим?» — деб сўрадилар.

— Шундай ўзим, дея олдим холос. Кўзларимда ёш кўриб опа мени хонага таклиф қилдилар.

— Айтинг, нима гап ўзи?

— Ойим, ойим оғир касал бўлиб қолдилар. Врачлар умид йўқ, тайёргарлик кўраверинглар дедилар, — дея ўксиб йиғлаб юбордим.

— Эҳ, Гиппократ қасамини ичган баъзи бир врачларнинг дилини даволаш керак ҳали, умид бўлмаган тақдирда ҳам ҳақлари йўқ эди, бундай дейишга. Ойингизнинг дардлари нима экан, ўзи?

— Бошлари оғрийди, менингитнинг охирги босқичи дейишаяпти.

Опа бир зум ўйланиб турдилар-да, худди меҳрибон онадек ҳамдардлик билан:

— Кўп куйинманг, қизим. Онангизни даволатамиз. Ўзим ёрдам бераман, — дедилар ва тез юқумли хасталиклар касалхонасига телефон қилиб, ойим ҳақида гапирдилар, даволаш, доридармонлар тўғрисида шифокорлар билан маслаҳатлашдилар. Хадича опа хонасидан қалбимда ширин туйғу, кўзларимда умид ёшлари билан чиқиб кетдим. Эртасигаёқ онамни касалхонага жойлаштирдик. Эртадан — кечгача қанчадан-қанча ишлар билан банд бўлган Хадича опа вақт топиб ойимнинг соғлиқларини суриштирар, бир неча марта эса камчил дориларни ўзлари топиб ҳам берган эдилар. Ҳар куни ишдан кейин ойимнинг олдиларида тунги навбатчиликда қолишимни билганларидан кейин, касалхона бош врачига сим қоқиб, тунги навбатчиликка касалхона ходимларидан қўйишни илтимос қилгандилар. Шундай қилиб ҳаётим, бахтим — Онажоним ўлимларни доғда қолдириб, секин-аста соғая бошладилар.

Худонинг марҳаматию, Хадича опа каби саховатли кишиларнинг ҳиммати, зиёси туфайли соғайиб, ўз болалари бағрига қайтган онамга кўплар ҳавас қилса арзигулик пиру бадавлат умр насиб этган эди.

Бу қайтарилган инсон ҳаёти, бу меҳрибонлик, ғамхўрликка қандай жавоб қайтармоқ, бу қарзни қандай узмоқ керак эди? Фақат соф виждону, ҳалол меҳнатинг, яхши ишларинг билангина... Шунинг учун ҳам бу ишонч, бу ғамхўрлик ва бу қарздорлик ҳисси сени ипсиз боғлаб қўярди бу даргоҳга, бу меҳрибон инсонга! Шунинг учун ҳам ўз соғлиғинг, дам олиш кунларингни ҳам унутиб, бутун борлиғинг билан ишлагинг келарди.

Хадича опа ҳақида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Раҳима Аминова шундай дейди: «Хадича Раимовна одамлар бахти билан суюнган. Ташвиши билан куюнган олижаноб инсон бўлиб, унинг учун лавозим, юқори мансаб роль ўйнамас, у инсонийликни, ростгўйликни, фидоийликни улуғлар эди. Мен унинг олов қалбига, одамларга бўлган туганмас меҳрига доимо қойил қолардим. У кўп нарсага қодир, ўткам ва оқила аёл эди».

Мен бу меҳри дарё аёл олдида ҳамиша ўзимни қарздор деб биламан. Бу қарздорлик ҳисси мени қўлимга қалам олишга, мана шу серқирра инсон ҳақида бир рисола ёзишга даъват этган эди. Минг афсуслар бўлсинким, «Ўзбекистон» нашриётига топширилган қўлёзма кўп ўтмай, яъни 1987 йили қайтарилди. Сабабини сўрасам, «ўзбек иши, пахта иши» туфайли дейишди. Ахир, Хадича опанинг бу ишга қандай алоқаси бўлиши мумкин?— деган ҳайратомуз саволимга Х. Р. Мусахонова «пахта иши» бўйича қамалганлардан бирининг қариндоши экан, деган жавобни олдим... Қонқонимизга сингиб кетган мутелик, қўрқоқлик бундан ортиқ бўлмаса керак!

Мен ҳар гал Хадича опа қабридаги мармартош устига чўғдай ёниб турган қучоқ-қучоқ гулдасталарни қўяр эканман, яхши одамлар жисман ўлсалар ҳам, ҳеч қачон номи ўлмаслигини, улар ҳақида китоблар ёзилса, ёзилмасада, тириклар қалбида, халқи дилида, тилида абадулабад яшайверади, дея баралла айтгим келади.

Гулпошша ЭРГАШХЎЖАЕВА.

ХАЙР ЭНДИ

... Куй авжида узилмасин тор... Шоиримиз айтган бу гап нақадар ҳақ эканлигига ўзбек халқининг ифтихорли ҳофизи Маъмуржон Узоковнинг ўғли Муҳаммаджон сўйлаб берган падари-бузрукворининг энг сўнгги ҳаёт дақиқалари ҳақидаги ҳақиқат ёркин мисол бўла олади.

— Отам, — дея ҳикоя қилади Муҳаммаджон, — кейинги пайтларда бетобланиб қолганлиги сабабли кўпинча уйда бўларди. Аммо унинг ошнаоғайнилари, ихлосмандлари, шогирдлари асло ёлғизлатиб қўйишмасди. Эртаю кеч уйимиздан одам аримас, эшигимиз доимо очиқ эди.

Эсимда, бир куни Марғилонга атоқли санъаткор Шукур Бурхонов меҳмон бўлиб келди. Шукур ака бир мириқиб суҳбатлашиш учун отамни шаҳардаги машҳур боғ чойхонага таклиф этди. Одатий, отам ёнларида мен ҳам бор эдим. Чойхона гавжум. Биз энг тўрдаги сўрига бориб ўтирдик. Шундоққина ёнимиздаги ҳовузда оппоқ ўрдаклар, ғозлар енгил-енгил қанот қоқиб сузиб юришибди. Боқсанг, дилинг равшанланади.

Отамни битта қўшиқ айтишга таклиф этиб қолишди. У анча вақтдан буён қўшиқ айтмасди. Азиз меҳмон олдида қўшиқ айтмасликни эп билмаган отам қўлига ликопча олди. «Ёр истаб»га «Айрилмасин» уланганда теварак-атроф қулоққа айланиб уни жим тинглар эди. Отамнинг ёқимли ва хуш овози йироқ-йироқларга парвоз этарди.

— Барака топинг, уста! — деган олкишлар бўлиб турарди ора-чора. Шукур Бурхон ҳам гўё сеҳрланиб жим ўтирар, гоҳ-гоҳида:

— Раҳмат, раҳмат! — деб қўярди, холос. Ҳофиз қўшиққа қўшиқ уларкан овози борган сари тиниқлашар ва баландлашарди. Ниҳоят «Хайр энди» қўшиғига етиб келди навбат.

Муҳаммаджон бироз жим бўлиб қолди. Кейин чуқур уф тортиб давом этди:

— Табиат сеҳрига, ундаги қудратли кучга тан бермай иложим йўқ. Шунча қўшиқларни жимгина тинглаган ҳовуздаги оппоқ ўрдак ва ғозлар «Хайр энди» бошланиши билан безовталаниб қолдилар. Қанотларини кенг ёйиб сувни шалоплата бошладилар, бор овозлари билан қичқирдилар, ҳофизнинг қўшиқ айтишига халақит берадилар. Ҳофиз қўшиқни тўхтатса, улар ҳам тўхтайдилар. Ҳофиз эса яна қўшиқни келган жойидан давом эттиради. Паррандалар яна шовқин кўтарадилар: «Ҳофиз, қўшиқ айтма, тўхтат!» дегандай бўладилар. Аммо... ҳофиз қўшиқни тугатиб қўйишни истарди. Авжга чиқди. Ширали овоз осмонга илиниб қолди. Ҳофизнинг қўлидан ликопча тушиб кетди-да, ўзи ўқ еган қуш каби шилқ этиб йиқилди. Мен ҳайратдан қотиб қолдим. Шукур Бурхон ҳам шошиб қолиб:

— Уста, сизга нима бўлди? — деди-ю ҳофизнинг бошини тиззасига олди. Э-воҳ, қўшиқ авжга чиққанда отамнинг жонлари узилган эди.

Муҳамаджон гўё бу воқеа шу зумда кечгандек кўнгли бўшашиб сукут қилиб туриб қолди.

Қўшиқ авжида жон берган бу ҳофиз ўзбек халқининг ифтихори, гўзал Фарғона водийсининг хушовоз булбули, такрорланмас овоз соҳиби, ҳаммаҳамманинг тенг суюкли қўшиқчиси Маъмуржон Узоков эди. Такрорланмас овоз эгаси Маъмуржон Узоковнинг сўнгги нафаси ҳақидаги бу ҳақиқат ҳам ҳали кўп-кўп авлодларни ҳайратга солиши тайин...

Лекин барибир: «Куй авжида узилмасин тор»... Бу ўлим санъат мухлислари қалбида армон нидоси бўлиб мангуликка қолди.

ТЎЛҚИН



Зиёрат этгали...

Суратқаш М. БОЛТАБОЕВ.

Атторнинг кутиси

Мен армиядан хизмат бурчимни ўтаб қайтганимдан сўнг дадам билан суҳбатлашиб қолдим.

— Ўғлим, мана армиядан эсон-омон келдинг, — дедилар. — Энди уйлаб қўйсак, нима дейсан?

Мен худди қозонда қўй ёғи эригандай эриб кетдим:

— Нима ҳам дердим. Ихтиёр сизда.

— Яшанг ўғлим,—дадам пешонамни силаб қўйдилар.



Машҳур қизиқчи Юсуфжон Шакаржоновнинг ўғли Зайнобиддин ЮСУПОВ ҳикоя қилади:

Шундан кейин тўй тараддуди бошланиб менга қайлиқ олиб бердилар. Биз куёв-қайлиқлар бир-биримиз билан ўн кун апоқ-чапоқ бўлишиб, ўн биринчи куни қайлиғимнинг ёшини сўрадим. Очиғи буни сўрамасам ҳам бўлар экан. Қайлиғим мендан беш ёш катта экан. Мен дадамнинг юзларига қарамай, ерга боқиб турдим-да:

— Дада, қайлиғим мендан катта экан-ку, — дедим.

— Овозингни ўчир, фойдасини кейин биласан, — дедилар дадам аччиқлангандай.

Езда уйланганман. Қишгача фойдаси қанақа бўларкин, деб ўйланиб юрдим. Совуқ кунларнинг бирида ишдан қайтаётиб йўлдаги чойхонада улфатлар билан учрашиб палов еб, сўнг шахмат ўйнаб, орада қиттай-қиттай қилиб, хурмачам тўлиб-тошганини ҳам билмай қолибман. Уйимиз томонга борадиган автобуслар вақт кеч бўлиб қолганлиги учун тўхтаб қолибди. Пиёда қайтаётиб ҳовлимизга юз метрча қолганида лойга тайғониб беҳуш ётиб қолибман.

Эрталаб қарасам ўз уйимда ётибман. Хотиним рўпарамда кулиб турибди.

— Мени ким олиб келди? — дедим.

— Мен, — деди хотиним.

— Қандай қилиб?

— Вой эрим тушмагурей. Сизни ярим кечагача кутдим. Қайтмадингиз. Юрагим ғашланиб кўчага чиқдим, уйга кирдим, бўлмади. Учинчи бор кўча дарвозасини очиб қарасам, нимадир қорайиб кўринди. Аста бордим. Не кўз билан кўрайки, ўша қорайиб кўринган нарса сиз экансиз. Қиш совуғида кечаси қотиб қолманг деб елкамда даст кўтариб, уйга олиб келдим. Ювиб-тараб озода қилиб ётқизиб қўйдим.

Бирам хурсанд бўлдимки, дарҳол дадамнинг гаплари эсимга тушди. Хотиннинг каттаси ана шунақа фойдали бўларкан...

Езиб олувчи:
Мушарраф РАҲМОН АЛИ.

Вазирнинг ҳазили

Акмал Пўлат беозор, яхши одам эди. Бировга ёмонлиқ қилганини на кўрганман, на эшитганман. Ўз ишига пишиқ эди-ю, бирозгина соддалиги ҳам бор эди. Соддаликни ҳам дангал, ўз ибораси билан айтганда «прямой» қилар эди.

Бир куни Акмал ака кечаси соат учда энергетика вазирининг уйига қўнғироқ қилибдилар:

— Мен Акмал Пўлатман.

— Ассалому алайкум, Акмал ака! Нима гап! Тинчликми?

— Тинчлик. Сизга бир илтимос бор.

— Эшитаман.

— Биласиз, мен шоир одамман. Илҳомим келиб қолиб шеър ёзиб ўлтирган эдим, чироқ ўчиб қолди. Энди бу ёғи қандоқ бўлди?

— Хўп, Акмал ака, чироғингиз ёнади. Фақат бироз сабр қилиб туринг.

Шундан кейин вазир ўша заҳоти электр тармоғига қўнғироқ қилиб, фармон берибди:

— Шоир Акмал Пўлатнинг чироғини тезда ёқиб беринглар. Кейин чироқ ёнгани ҳақида дарров менга хабар қилинглар.

Бир неча дақиқадан кейин шоирнинг чироғи ёнаётгани ҳақида вазирга хабар қилишибди.

Ўша кундан бошлаб ҳар куни кечаси соат учда Акмал аканинг уйларида телефон жиринглайдиган бўлибди. Шоир акамиз уйқудан зўрға кўзларини очиб телефон дастасини олсалар:

— Акмал ака электр тармоғидан безовта қиляпмиз, чироғингиз ёниб турибдими? — деган саволни эшитар эканлар.

Бу аҳвол бир неча кун, эшитишимча салкам бир ой давом этибди. Ниҳоят сабр косаси тўлган Акмал акамиз яна вазирга қўнғироқ қилибдилар:

— Вазири аъзам! Одамларингиз мени тинч ухлашга қўядими, йўқми?

Вазир кулибди-да, электр тармоғига фармон беражагини айтибди. Аслида Акмал ака чироқ ўчгани ҳақида қўнғироқ қилиб айтган кечаси вазир атайлаб электр тармоғидаги хизматчиларга тайинлаб қўйган экан:

— Акмал Пўлат фақат кечаси шеър ёзади. Шунинг учун ҳар куни кечаси соат учда у кишига албатта қўнғироқ қилиб, чироғидан хабардор бўлиб турингглар, — деган экан.

Кўрдингларми, вазир шоирга шоирона ҳазил қилибди.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

Рассом ҳандаси

Сўзсиз суратлар...

Қиқиқ гаплар

«У» ТАЪРИФИДА

У вазифасига қараб, ўзидан кичикларни ҳам «Ака» дейди, елиб-югуради, атрофдагиларни сотади, аммо ўзи ким, бу дунёда нима учун яшаяпти, буни билмайди.

* * *

Унинг пули беҳисоб, бойлигининг чеки йўқ. Лекин у қанча дўсти борлиги ҳақида бирор маротаба ўйлаб кўрган эмас.

* * *

У шуҳрат поғоналаридан кўтарилаётганда атрофида хира пашшадай ғувуллаб юрган кишилардан бирортасини амалдан «тап» этиб тушгандан кейин тополмай қолди.

* * *

У амалдан тушган куним ўламан дегувчи эди, яқинда умрида биринчи ва охирги марта ўз сўзининг устидан чиқди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
Андижон.

Қорга тутантириқ

Гугурт қутисининг ичида суҳбат борарди:

— Бунча нимжонсан, тиш ковлашга ярайсан, холос!

— Нима? Нима дединг?! Менми, мен ёнсам бас, жаҳон ўт ичида қолади...

Сен айтган урҳо-ур даври ўтиб кетган. Қорга тутантириқ бўлмоқчимисан? Илму амал асри бу...

МИКРОФОН

Бош универсал савдогоҳини кеза-кеза ...лдан тойган Микрофон пештахта ус...да қарийб икки йилдан буён дам олаётган Газчўпга сертавозелик билан салом берди ва одатдаги ҳуркимбойини бошлади:

— Хўш... Мен телерадиокомпаниядан-ман. Бироқ менинг репортёр яъни журналистлигимдан чўчиманглар. Фалон Фалончиевич Пистончиевнинг укасига куёв эканлигимдан ҳам хавфсираманглар, бунинг устига ҳажвий журнал муҳаррирининг божаси ҳам деб қўрқманглар. Марҳамат қилиб, икки кийимлик «Жимминнинг кўз ёшлари»дан топиб беринглар...

Газчўп панжалар орасида ўйнаб, кичрайиб кетаётгандай бўлди-ю одатдаги кўринмас қалпоғини Микрофон бошига аста қўндирди:

— Ёнгинамизда воситачи дўкони бор. Кираверинг, мен эски нархида беринглар, деб қўнғироқ қилиб қўяман...

Вой микрофон-ей...

Одил ЭГАМ.

Ойнаи жаҳонда

30 март — 5 апрель

ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Эл хизматида». 19.55 «Тановар» гуруҳининг концерти. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Хотира». Ҳошимжон Раззоқов. 21.45 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 22.15 «Шарқ дурдоналари». Афгон қўшиқчиси Воҳид Собирий.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 18.50 «Ассалому алайкум» (такрор.). 19.50 «Бобур». Телефильм. 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Наврўзой». 20.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.10 «Миришкорлар». 21.40 «Билиб қўйган яхши». 21.55 «Омад» кўрсатувига илова. 22.55 «Лаҳза». 23.05 «Махфий сайр». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг».

Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида

7.35 Мультфильмлар. 8.15 «Чапдаст капитан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 9.20 «Марафон-15». 9.45 «Турар жойи». Телефильм премьераси. 11.00 Янгиликлар. 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 В. Славкин. «Картина». Телеспектакль. 15.15 «НЭП».

Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида

15.45 «Юлдузли ёмғир». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Футбол шарҳи. 17.50 «Қора қути». 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тоғлардан юксак». Бадиий фильм («Қозоқфильм»). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Бокс. МДҲ — АҚШ терма командалари матчи. «Олимпийский» спорт комплексидан кўрсатилади. 21.25 Концерт. 21.40 «Янги студия» таништиради: «Вазият» «Муаллифлар ойнаи жаҳони», «Уйқусизлар канали». Танаффус пайтида (23.00) Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.20 Итальян тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 «Сиҳат-саломатлик». 9.35 Санъат оламида. 10.05 «Оқ қарға». 11.00 «Онахонлар-дадажонлар». Мусиқий бадиий фильм премьераси. 12.10 «Бурда моден» таклиф этади... 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.00 Болалар соати (француз тили дарси билан). 16.00 «Тадбиркорлик ва анъаналар». 16.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 Ўз ишининг усталари. 18.10 Ишдан бўш пайтингизда. 18.25 «Россия билан юзма-юз». 18.40 Ҳужжатли панорама. 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Осмон билан ер туташган жойда». Бадиий фильм. 20.50 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Бешинчи гилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 22.20 Спорт хабарлари. 22.30 «Бешинчи гилдирак. (давоми). 23.15 Театр сафари. «Хусусий ҳаёти». 24.00 Фристайл. Европа чемпионати ва Европа кубоги. Балет.

СЕШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Афгон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт. 8.55 «Финистсарлочин». Бадиий фильм. 10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 10.50 «Қизил Яримой шуъласи». 11.20 Тижорат канали: «Илғор тажриба мактаби». 11.50 «Қувноқ оҳанглар». Камер куйлардан концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.15 Болалар учун «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.45 «Чимён». Манзарали фильм. 18.55 «Спортлото». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Инсон ва қонун». 20.10 «Тадбиркорлар ҳузурида». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 21.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Янгиер» (Янгиер) — «Трактор» (Тошкент). Репортаж. 23.05 Телевизион миниатюралар театри. 1-қисм.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Физика. 11.00 «Волга жилолари». Телефильм. 11.30 Жўғрофия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильм. «Валерка, Ремка +». 19.00 Гитара оҳанглари. 19.30 «Алоқалар ва шартномалар». 20.20 Театр учрашувлари. 21.35 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.05 «Чапдаст капитан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 9.10 Футбол шарҳи. 9.40 «Тоғлардан юксак». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар. 13.40 «Ён дафтар». 13.45 «Савдо растаси». 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 Нафас олиш гимнастикаси. 14.40 «Бошқаларга ҳам етказиб қўй...». Телевизион бадиий фильм. 16.05 «Эртак кетидан эртак». Мультфильм. 16.20 «Болалар мусиқий клуби». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Халқ куйлари. 17.35 «Илья Сельвинский. Инсон қалби муҳандислари». Телефильм премьераси («Союзтелефильм»). 18.15 «Телескоп». 18.45 Спорт гимнастикаси. «Жаҳон юлдузлари-92» халқаро турнири. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. Финал. 2 ва 3-даврлар. 22.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Омонат умр». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.15 Янгиликлар. 23.55 «Мавзу».

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Француз тили. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. 8.05 Француз тили. 8.35 Болалар соати (француз тили дарси билан). 9.35 «Нуккининг саргузаштлари». Бадиий фильм. 11.05 Мультфильм. 11.15 «Винил чакалакзорлари». 12.00 Ҳужжатли панорама. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.00 «Простор +». 15.30 «Севги изҳори». 15.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 Ишдан бўш пайтингизда. 17.35 «Агар сиз...». 18.05 «Россия билан юзма-юз». 18.20 Россиянинг телевизион театри. 19.35 «Ҳар бир кун байрам». 19.45 Мультфильм. 19.55 «Россия ва дунё». 20.25 Криминал хабарлар. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар. 21.45 «Скрипкачи». Видеофильм премьераси. 22.40 Н. В. Гоголь «Бурун». 2-қисм. 23.45 Рус видеоси.

ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт. 8.55 «Баҳор мўъжизалари». Бадиий фильм. 10.30 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 11.10 «Келажагимиз мактабда». 11.40 «Фикрлар тўқнашганда». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Анъана ва замон». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Яшашга ҳақлиман». 19.55 «Олатов жилолари». Манзарали фильм. 20.10 Тижорат канали: «Орзу» иш тажрибасидан». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг янги дастури. 21.40 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 22.10 Телевизион миниатюралари театри. 2-қисм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Абдулла Қаҳҳор». Телефильм. 19.30 «Қизиқарли учрашувлар». 20.00 «Спринт». 20.20 «Ишбилармонлар». 21.05 «Эсдалик учун дастхат». Е. Петросян. 21.40 «Гаройиб бола». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.20 «Болалар мусиқий клуби». 9.00 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 9.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. Финал. 2 ва 3-даврлар. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви. 11.50 «Қишлоқ ҳангомалари». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 12.20 «Вилоят салони» (Ростов-Дон). 12.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст» 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Мовий гуллар». Телефильм премьераси (Ростов-Дон). 14.30 «Бир сафарли ҳайдовчи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.00 «Рок-макс». «Генезис». 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Максима». 17.50 «Муаммолар йўқми?». 18.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ўнг келган туш ёки чемодан». Бадиий фильм («Ленфильм»). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 М. Задорнов иштирокида дам олиш кўрсатуви. 21.40 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви. 22.10 «Қон эвазига ислоҳот». Бадиий-публицистик фильм премьераси. П. А. Столипин ҳақида. 1-қисм («Экран» ижодий уюшмаси «XX аср кинопрограммаси» бирлашмаси, М. Горький номли киностудия ҳамда «Ратмир-инвест» фирмаси иштирокида). 22.50 Концерт. 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Лимпопо». 00.10 «Бир сафарли ҳайдовчи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Немис тили. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. 8.05 Немис тили. 8.35 Россиянинг телевизион театри. 11.00 Криминал канал. «Мутлақо маҳфий». 11.55 «Вариацияли мавзу». 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 15.45 «Жаҳон бозорининг калити». 16.15 «Ҳаёт кузи» 16.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.45 Парламент хабарномаси. 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 «Узоқ Шарқ». Телекўрсатув. 18.10 «Сиз яратган боғ». 18.40 Сафсаталар. 19.20 «Ҳар бир кун байрам»... 19.30 Театр томошалари. 20.30 «Одессада қандай дафн этишади?». Қисқа метражли бадиий фильм. 20.40 Ретро-эстрада. 20.50 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.30 «Бешинчи бурчак». 22.20 «Джентльмен-шоу». 22.55 Фристайл. Европа чемпионати ва кубоги. Могул. 23.25 «Джаз-клуб».

ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Саодат Қобулова куйлайди». Фильм-концерт. 8.45 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1-серия. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.35 Мактабгача тарбия масалалари. 11.15 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Замин саҳовати». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Аждодлар мероси». Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний. 19.50 «Кекса санъаткорлар ҳузурида». Жалолхон Холиков. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 21.30 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. Амир Темур давлати. 11.00 «Регистон узра оҳанглар». Телефильм. 12.00 Ботаника. Ўсимликлар.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Баҳор келганда». Телефильм. 19.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 21.30 «Пульс». 21.40 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.30 «Ўнг келган туш ёки чемодан». Бадиий фильм. 8.45 М. Задорнов иштирокида дам олиш кўрсатуви. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 12.05 «Ҳамма цирки севади». Екатеринбургдан кўрсатилади. 12.50 «Тоғларимиз ҳақида афсона ва ривоятлар». Телефильм. 13.10 «Ён дафтар». 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.50 «Бир сафарли ҳайдовчи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.00 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 17.00 Янгиликлар. 17.20 «Эльдорадо». 17.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 «Кинопанорама». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Л. Лешченконинг юбилей кечаси. 22.10 «Қон эвазига ислоҳот». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 2-қисм. 22.50 Телефильм. 23.00 Янгиликлар. 23.40 Футбол. Уэмбли йўлида. 00.40 «Бир сафарли ҳайдовчи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Испан тили. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. 8.50 Испан тили. 8.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 9.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Бенфика» (Лиссабон) — «Динамо» (Киев). 11.10 «Доминус». Бадиий фильм. 12.30 Мультфильм. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.25 «Уларнинг қайтариб берилган исмлари». Сергей Нечаев. 16.05 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.20 Рус — Америка поп-гуруҳи ижросида Виктор Резников қўшиқлари. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 Ишдан бўш пайтингизда. 17.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Бенфика» (Лиссабон) — «Динамо» (Киев). 19.15 «Ҳар бир кун байрам». 19.25 Махсус тижорат хабарномаси. 19.35 «Исроил ҳақида тушлар». 5-фильм. 20.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Бешинчи гилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 22.15 Эълонлар. 22.20 «Бешинчи гилдирак» (давоми).

ЖУМА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Гўзаллик оламига саёҳат». Кинопрограмма. 9.25 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 9.50 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 2-серия. 10.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Шимолдан салом». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Табиат шайдолари». 19.00 «Ўзбекистон ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ёднома». Шоир Аҳмаджон Долиев. 19.40 Тижорат канали: «Насаф» хизматингизда. 19.55 Ю. Ражабий номидаги мақом жамоасининг яккахони Маҳмуджон Йўлдошев куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон», ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Маърифатнома». 21.40 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 22.10 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

АШХОБОД КЎРСАТАДИ

17.05 Муаллимлар клуби. 18.05 «Иқтисодиёт ва ҳаёт». 18.40 «Шекиллер». Нақшлар санъати ҳақида. 19.25 Дутор оҳанглари. 19.35 «Чори Аширов». Телефильм. 20.00 Янгиликлар (рус тилида). 20.10 «Кичкинтойлар, сизлар учун». 20.25 Эълонлар. 20.30 Туркман тилини ўрганамиз. 21.00 «Ватан» Ахборот мусиқий кўрсатуви. 22.00 «Гулки пурсади». 22.30 «Ўғил». Бадиий фильм. 23.55 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Тонг». 7.30 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 8.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.10 «Кинопанорама». 10.25 Г. Свиридов. А. Пушкиннинг Бўрон» повестига ёзилган мусиқий иллюстрация. 11.00 Янгиликлар. 11.25 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.25 «Ўз-ўзингга мадад бер». 13.15 «Ён дафтар». 13.20 «Бридж». 13.45 «Бизнес-класс». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 Ф. Шопен этюдларини Л. Тимофеева ижро этади. 14.50 «Булутли уч кун». Телевизион бадиий фильм. 16.00 МДҲ телевидениеси болалар уюшмаси таништиради. «Менинг душманим — Арнольд Шварценеггер» (Екатеринбург), «ТВК» (Томск). 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Ҳукумат: хайрихоҳ ва қарши». 17.55 «Леннебергдик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. — «Эмиль қандай қилиб калаванўш овлади» (Швеция). 18.20 «Волга эса Камага қуйилади...». Пермлик мусаввир П. Шардаков ҳақида. 18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. Финал. 2 ва 3-даврлар. 22.00 «ВИД» таништиради: «Взгляд», «Музобоз», «Шоу-биржа», «Мусиқий соат». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 01.30 «Имтиҳон». Телевизион бадиий фильм. «Деррик» сериясидан.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.20 Инглиз тили. 9.20 «К-2» таништиради: «Абзац». «3, 2, 1», «Гувоҳлар ҳузурида» кўрсатувлари. «Минг ўлиб, минг тирилгин». Бадиий фильм. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.25 Фристайл. Европа чемпионати ва кубоги. Акробатика. 15.00 «Простор +». 15.30 Мураккаб ёш. «Тон-лабиринт». «Ўн беш ёшли капитан». 16.00 «Урал-ТВ». 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 «Мансаб алифбоси». 17.55 Ишдан бўш пайтингизда. 18.10 «Версия». 18.25 «XX аср кадрда ва кадр ортида». 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Могиканлар». 20.00 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.30 «Танаффус». Максим Фадеев 21.25 Бизнинг экспертиза. 2-кўрсатув. 22.30 «Бор эканда, йўқ экан». Бадиий фильм. 00.20 Маданий дам олиш кўрсатуви.

ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Олтин занжир». Бадиий фильм. 10.25 Ургут ноҳияси 47-мактаб ўқувчиларининг чиқиши. 10.50 Ўзбек тилини ўрганамиз. 11.20 «Ёшлик студияси кўрсатади. -Иш билганга минг танга». 11.50 «Ўқитувчи-92» кўрик-танлови. 13.00 «Меҳр». 13.35 «Фильм С» ойномаси — студиямиз меҳмони». Кинокўрсатув. 14.05 «Наврўз-92» театрлар фестивалининг якуни. 18.00 «Шоирлар — болаларга». 18.30 «Дала имушлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Инглиз тили. 19.50 Чустий. «Индамаслар диёри». 20.20 «Улоқ». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Ҳажнома». Видеофильм премьераси. 22.00 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1 ва 2-сериялар.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 «Савсан ва Муқим». Болалар учун спектакль. 10.50 «Гаюровларнинг оилавий иши». Бадиий фильм. 1-серия. 17.50 Болалар учун фильм. «Доктор Айболит». 19.00 «Сову рози жавони». Мусиқий кўрсатув. 19.30 «Ахборот (рус тилида). 19.40 «Маърифат». 20.30 «Ахбор». 20.50 «Наврўзи ажам». Байрам кўрсатуви.

● «ОРБИТА IV

6.00 Ишбилармон кишининг шанба тонгги. 7.35 «Бегемот ва қуёш». Мультфильм. 7.45 «Назокат ва ёз ҳақида сюжет ўйлаб топинг»...». «Муҳофаза ёрлиғи» туркумидан. 8.15 «Тадбиркор». Ишбилармон кишилар клуби. 9.00 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Марказ». 10.10 «Эх». Экологик хроника. 10.25 «Мусиқий дўкон». 10.55 «Инсон институти». 11.35 «Москва элегияси». Ҳужжатли фильм премьераси. Андрей Тарковский ҳақида («ЛСДФ»). 13.05 Янгиликлар. 13.25 Ф. Слидовкер ва А. Тафелнинг фильм-балетлари. «Телба». 14.20 «Зазеркалье». «Моара». Телевизион бадиий фильм премьераси «Телефильм-Кишинэу»). 15.40 «Қизил квадрат». 16.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонининг якунларига доир. 16.50 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 17.15 «Бахтли тасодиф». 18.15 «Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Шляпали аёл». Бадиий фильм (Польша). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Саҳнанинг нариги томонида». «Владимир Сошальскийнинг сентементал саёҳати». 21.25 Шеърият лаҳзалари. 21.40 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». «Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 «Чашмалар». 7.40 Ўз ишининг усталари. 8.00 Баскетбол шарҳи. 8.30 Ҳужжатли панорама. 9.30 Русча стиль.

10.00—14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

14.00 «Пётрнинг ёшлиги». Бадиий фильм. 1-серия. 15.10 «Танаффус». «Последний шанс» гуруҳи. 15.25 «М-трест». 15.55 «Олтин шпора». 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 «Босконинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 17.50 Дягилев мавсумлари. 18.20 «Ҳар бир кун байрам». 18.40 Эълонлар. 18.45 «Познер ва Донахью». 19.40 «Сенганингдан айрилма». Бадиий фильм. 21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар. 21.30 «Околесица» кабареси. 22.30 Петербург афсонаси.

ЯКШАНБА

● ЎзТВ V

8.00 «Туркистон». 8.30 «Биргаликда куйлаймиз». «Чумоли» қўшиғи ўргатилади. 9.00 «Содиқ дўстим Санчо». Бадиий фильм. 10.20 Араб тили. 10.50 «Шеърият дафтаридан». 11.20 «Қувноқ стартлар». 12.20 «Ёшлиқ» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим». 12.50 «Кабутарим». «Ўзбектелефильм» премьераси. 13.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Нефтчи» (Фарғона). Танаффус пайтида — «Ўзбекистон спорти». 14.50 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Рангинкамон». 15.50 Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.00 Мультфильм. 18.10 «Кичкинтой» устахонаси. 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Ислом маданияти қўшиқлари. 20.10 «Ўзбекистон бойлиги». Телефильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Олтин бешик». Самарқанд вилоятига бағишланади.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари. 10.50 «Гаюровларнинг оилавий иши». Бадиий фильм. 2-серия.

БЕШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 Мультфильм. 18.20 «Киргиз кенш». 18.50 Опера театрининг ёш яккахонлари куйлайдилар. 19.30 «Ала-Тоо». 19.50 «Баҳор келди...» (рус тилида). 20.40 «Сайра қомуз». С. Абдилдаев, Д. Касимов. 21.10 Кечки видеосалон.

● ОРБИТА IV»

6.00 Руҳни чиниқтириш. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.45 Спорт ҳамма учун. 8.15 «Эрта саҳарлаб». 8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.25 «Тонг юлдузи». 10.15 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Гўзалликнинг яратилиши» (Таиланд). 10.30 «Ни» белгиси билан. 11.20 «Илтимос, ғийбат қилманг ёки В. Маяковский ҳақида янгилик». 12.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 12.50 «Бош муҳаррирлар клуби». 13.30 Янги авлод танлайди. 14.20 «Парнас сари бир босқич». 14.50 Хоккей. МДҲ чемпионати. Финал. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида — Янгиликлар. 16.30 «Саёҳатчилар клуби». 17.20 «Уолт Дисней таништиради...» 18.10 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Телелоция». 18.40 «Ким биз билан?». 6-кўрсатув. 19.00 Якшанба кинопрограммаси. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ёлланган полициячи». Бадиий фильм (АҚШ). 21.00 «Якунлар». 21.45 «Қиёфадошлар театри». 23.00 «Астра» таништиради: «Тунги казино». «Эҳ, водевиль, водевиль». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 «Гувоҳлар ҳузурида юзма-юз». 8.05 Ишбилармон аёл. 8.35 Вариацияли мавзу. 9.05 «Хоҳ юшонинг...» 9.35 Параллеллар. 10.00 Мультфильм. 10.25 «Ати-бати...» 10.55 Телеассамблея. 11.40 «Эскўлап» 11.50 «Пётрнинг ёшлиги». Бадиий фильм. 2-серия.

13.00—17.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. 18.25 «Ҳақиқат оналари». 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Афсунгарлар». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 5-фильм. 20.00 «Саҳнада цирк». 21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар. 21.25 «Масхарабоз». Бадиий фильм. 23.05 «А» программаси. 00.05 «Рок-қаҳваҳонаси. 00.35 «Учинчи бўласанми?».

Футбол—92: Ўзбекистон миллий чемпионати қандай ўтказилади

Спортда ҳам бу йил ўзгаришлар, янгиликлар кўп бўлди. Шунинг учун «футболда нима гап» деган ишқибозлар сон-саноқсиз. Айниқса баҳор келиб кунлар илий бошлагач, футбол мавсумини орзиқиб кутаётган чарм тўп мухлисларининг безовталиги янада ошди.

Айрим газеталар бу йилги чемпионатнинг қай тариқа ўтиши ҳақида роса башорат қилишди. Аввалига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги биринчилигини ўтказиш, кейинчалик минтақаларо чемпионат тўғрисида баҳс юритилди, ҳатто ўйнайдиган жамоалар тилга олинди. Бу гапларнинг қай бирига ишониш керак? Хўш, бу йил мустақил Ўзбекистонда футбол қандай ташкил қилинади? Ишқибозларни қандай янгиликлар кутмоқда?..

Бу жабҳада Республикамиз физкультура ва спорт қўмитаси ва футбол Федерацияси қандай йўлни танлаши кўпчиликка сир эди. У ердаги мутасаддилар оқилона иш тутишди. Ўзбекистон ўзининг миллий чемпионатини ўтказадиган бўлди.

— Ўзбекистон миллий чемпионатини қандай ўтказишни шу йилнинг 31 январидаги пленумда кўриб чиқиб аниқ бир қарорга келган эдик,— дейди бу ҳақда республика футбол Федерациясининг мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш қўмитаси бошлиғи Руслан Худайдотов.— Республикамизнинг миллий биринчилигида уч гуруҳ мусобақалар ўтказиладиган бўлди. Биринчиси олий, иккинчиси биринчи лига жамоалари ўртасидаги баҳслар бўлса, учинчиси физкультура жамоалари командалари ўртасида ўтказиладиган футбол мусобақаларидир.

Олий лигада аввалига 18 жамоа қатнашишини мўлжаллаган эдик. Лекин Навоийнинг «Зарафшон» жамоаси ҳозирги бозор иқтисоди шароитида маблағ масаласини ижобий ҳал қила олмаганлиги учун ўйинларда қатнашишдан бош тортди. Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида 17, биринчи лигада эса 16 команда иштирок этадиган бўлди. Физкультура жамоалари ўртасидаги футбол баҳсларида 36 жамоа қатнашади. Улар Республикамиз минтақалари бўйича 3 гуруҳга бўлиниб мусобақаларда иштирок этишади.

Адҳам ДАМИНОВ.

ОЛИЙ ЛИГА ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ

1. «Пахтакор» (Тошкент)
2. «Нефтчи» (Фарғона)
3. «Навбаҳор» (Наманган)
4. «Нурафшон» (Бухоро)
5. «Темирйўлчи» (Қўқон) (Собиқ «Автомобилчи»)
6. «Сўғдиёна» (Жиззах)
7. «Косонсойчи» (Косонсой)
8. «Сурхон» (Термиз)
9. «Трактор» (Тошкент)
10. «Пахтакор—79» (Тошкент) (Собиқ «Умид»)
11. «Чирчиқ»
12. «Мароқанд» (Самарқанд)
13. «Кимёгар» (Олмалиқ)
14. «Орол» (Нукус)
15. «Наврўз» (Андижон)
16. «Янгиер»
17. «Шаҳрихончи»

БИРИНЧИ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ:

1. «Геолог» (Қарши)
2. «Бағдодчи» (Бағдод)
3. «Бахт» (Тўрақўрғон)
4. «Шифокор» (Гулистон)
5. «Соҳибкор» (Халқабод)
6. «Тўрткўлчи» (Тўрткўл)
7. «Нотўқимачи» (Поп)
8. «Локоматив» (Когон)
9. «Атласчи» (Марғилон)
10. «Диёнат» (Тошкент)
11. «Мельник» (Шўрчи)
12. «Тўполанг» (Узун)
13. «Металлург» (Бекобод)
14. «Норин» (Ҳаққулобод)
15. «Зарангар» (Ғиждувон)
16. «Прогресс» (Зарафшон)

Олий лига командаларининг баҳси 28 мартда бошланди. Сўнгги ўйин 1 ноябрда бўлади. Биринчи лига вакиллари мусобақаларни апреннинг ўрталарида бошлаб, октябрнинг ўрталарида якунлашади.

Тошкентдаги илк ўйинни 4 апрелда «Пахтакор—79» командаси бошлаб беради. Улар шу куни Андижоннинг «Шаҳрихончи» жамоасини қабул қиладилар. «Пахтакор» эса 5 апрелда ўз майдонидаги илк учрашувни Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари билан ўтказади.

Чемпионат якунига кўра олий лигани сўнгги икки ўринни олган жамоалар тарк этади. Улар ўрнини биринчи лиганинг икки ғолиби эгаллайди. Биринчи лигани эса бир йўла учта жамоа тарк этади.

Энди Ўзбекистон Республикаси миллий чемпоинати олий лига командаларининг март-апрель ойидаги биринчи давра ўйинлари билан танишинг. (Биринчи тур ўтган шанба куни бўлиб ўтди).

II тур, 31 март, сешанба
Нурафшон — Навбаҳор
Сурхон — Наврўз
Мароқанд — Чирчиқ
Янгиер — Трактор
Сўғдиёна — Орол
Темирйўлчи — Пахтакор
Косонсойчи-Пахтакор — 79
III тур, 4 апрель, шанба
Пахтакор — 79-Шаҳрихончи
5 апрель, якшанба
Орол — Темирйўлчи
Навбаҳор — Мароқанд
Наврўз — Янгиер
Пахтакор — Нефтчи
6 апрель, душанба
Чирчиқ — Сўғдиёна
Трактор — Кимёгар
IV тур, 8 апрель, чоршанба
Сурхон — Нурафшон
Орол — Косонсойчи
Навбаҳор — Янгиер
Наврўз — Мароқанд
Пахтакор — Шаҳрихончи
9 апрель, пайшанба
Пахтакор — 79-Нефтчи
Чирчиқ — Кимёгар
Трактор — Сўғдиёна
V тур, 17 апрель, жума
Мароқанд — Сурхон
Янгиер — Нурафшон
Сўғдиёна — Наврўз
Кимёгар — Навбаҳор
Шаҳрихончи — Орол
Темирйўлчи — Чирчиқ
Косонсойчи — Трактор
Пахтакор — 79-Пахтакор
VI тур, 20 апрель, душанба
Мароқанд — Нурафшон
Янгиер — Сурхон
Сўғдиёна — Навбаҳор
Кимёгар — Наврўз
Нефтчи — Орол
Темирйўлчи — Трактор
Косонсойчи — Чирчиқ
VII тур, 26 апрель, якшанба
Нурафшон — Сўғдиёна
Сурхон — Кимёгар
Орол-Пахтакор — 79
Мароқанд — Янгиер
Навбаҳор — Темирйўлчи
Наврўз — Косонсойчи
Чирчиқ — Нефтчи
Трактор — Шаҳрихончи
VIII тур, 29 апрель, чоршанба
Нурафшон — Кимёгар
Сурхон — Сўғдиёна
Орол — Пахтакор
Навбаҳор — Косонсойчи
Наврўз — Темирйўлчи
Чирчиқ — Шаҳрихончи
Трактор — Нефтчи

Республика кубоги учун баҳсларда 32 команда қатнашади. Ҳар бир команда 2 тадан ўйин ўтказади (ҳам ўз майдонида, ҳам меҳмонда). Ўйинлар 12 апрель, 2—3 майда (1/16 финал), 3, 14 июнда (1/8 финал), 2,6 июлда (1/4 финал), 23, 26 июль кунлари эса ярим финал ўйинлари бўлиб ўтади. Республика кубогининг илк соҳиби 8 август куни Тошкентда ўтказиладиган финал ўйинида аниқланади.

ТОШКЕНТ ТАКЛИФИ

Швецариянинг Лозанни шаҳридан келган хушхабар мустақил Ўзбекистонимизнинг катта футболдаги илк қадами бўлди. Шу куни собиқ 12 шўро республикаси каторида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳам Халқаро Олимпия қўмитаси аъзолигига қабул қилинди.

Республикамиз вакиллари ХОҚга Ўзбекистон байроғини ва миллий мадҳияси ёзилган магнит лентасини ҳам топширди. Чунки ёзда бўладиган Барселона Олимпиадасида шахсий ҳисобда зафар қучган спортчи шарафига унинг ўз давлати байроғи кўтарилади ва мадҳияси ижро этилади.

Ўзбекистон МОҚ президенти Обид Назиров ва унинг биринчи ўринбосари Собир Рўзиев ХОҚ президенти Х. Самаранчга 2000 йилдаги XXVII ёзги Олимпия ўйинларини Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги расмий аризани топширдилар. Шунингдек, улар Ўзбекистон президенти Ислом Каримов ва Тошкент Ҳокими Адҳамбек Фозилбековнинг 2000 йилдаги Олимпиадани республикамиз пойтахтида ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги вакалатномасини ҳам ХОҚ президентига тақдим этишди.

ХОҚнинг махсус гурухи янаги йилнинг апрелигача. Тошкентга келадиган ва бу ердаги олимпиада ўйинларини ўтказиш имкониятлари билан танишиб чиқадиган бўлди. Бешта номзод — Берлин, Пекин, Истамбул, Манчестер ва Тошкент шаҳарларидан қайси бирида 2000 йил Олимпиада ўйинларини ўтказиш масаласи эса келгуси йили апрель ойида ХОҚнинг Ассамблеясида овоз бериш йўли билан аниқланади.

ОЛИМПИАДА МЕДАЛИ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Ҳуқуқ ва иқтисод бўйича Франция Маркази тадқиқотчилари бўлиб ўтган Альбервиль олимпиадасидаги ҳар бир медаль мамлакат учун қанчага тушгани билан қизиқиб қолишди. Ҳамма нарса-машқ лагерида яшаш ҳақи, турли спорт иншоотларига кетган ҳаражат, маслаҳатчиларга берилган пуллар ҳам қисобланди. Айниқса, чет элга мусобақага бориш нархи барчасидан ошиб тушди.

Шундай қилиб, буларнинг барига 484 миллион франк сарфланган экан. Франция спортчилари эса бор йўғи 16 медалга эга бўлишди. Демак, ҳар бир қўлдан чиққан олтин медаль тахминан 30 миллион франкка ёки бошқача айтганда 5,5 миллион долларга тушган экан.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (масъул котиб), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир муовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ (бош муҳаррир муовини), Турсун ҚЎШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовинлари — 56-52-89

● Масъул котиб —56-52-78

● Котибият —56-87-59

БЎЛИМЛАР:

● Касаба уюшмаси ва иқтисодий ҳаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва қонунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табиат — 56-82—79

● Хатлар ва оммавий ишлар — 56-87 -78

● Безатиш ва суратқашлик —56-87-74

● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари —56-85-79

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Сотувдаги нархи 1 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 27 мартда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Жасур Носиров,
Алишер Ҳакимов

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-41

● 139.250 нусхада босилди.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12